Бутун дунё пролетарлари, бирлашиниз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

48 йил чиқиши № 286 (13.548).

17 ДЕКАБРЬ 1966 йил ШАНБА

Баҳоси 2 тийин.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИДА

МОСКВА, 16 декабрь. (ТАСС). СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг бугун эрталаб бўлиб ўтган мажлисида депутатлар СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госплани раиси депутат Н. К. Байбаковнинг ва СССР молия министри депутат В. Ф. Гарбузовнинг докладларини муҳокама қилдилар.

Музокараларда Грузия Компартияси Абхазия область комитетининг биринчи секретари **В. О. Кобахия**, Кузнецк металлургия комбинати мартен цехининг пўлат эритувчиси **К. Ф. Шабалов**, СССР соғлиқни сақлаш министри **Б. В. Петровский**, Тожикистон ССР Министрлар Советининг Раиси **А. Қаҳҳоров**, Литва ССР Фанлар академиясининг президенти **Ю. Ю. Матулис**, Молдавия ССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари **Г. Ф. Антосяк**, Озарбайжондаги Н. Нариманов номли медицина институтининг доценти **З. М. Салаева**, Латвия ССРдаги «Большевик» балиқчилик колхози балиқ овлаш траулерининг капитани **И. А. Ланка**, Киргизистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари **А. П. Чубаров**, СССР енгил ва озиқ-овқат саноати учун машинасозлик ва маиший приборлар министри **В. Н. Доенин**, КПСС Волгоград область комитетининг биринчи секретари **Л. С. Куличенколар** сўзга чиқдилар.

Шу билан Иттифоқ Советининг мажлиси тугади.

МОСКВА, 16 декабрь. (ТАСС). Еттинчи чақириқ СССР Олий Советининг иккинчи сессияси Катта Кремль саройида ўз ишини давом эттирмоқда.

Шу ерда ҳозир бўлганлар **А. Н. Косигин, А. Я. Пельше, А. Н. Шелепин, П. М. Машеров, В. П. Мжаванадзе, Ш. Р. Рашидов, Б. Н. Пономарев** ўртоқларни самимий кутиб олдилар.

Раислик қилувчи Миллатлар Совети Раисининг ўринбосари **М. А. Абдуллаева** қўшимча доклад қилиш учун план-бюджет комиссиясининг раиси депутат **М. А. Яснова** сўз берди. Депутат М. А. Яснов план-бюджет комиссияси ва тармоқлар комиссиялари номидан гапирди.

Депутатлар «СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1967 йилги Давлат плани тўғрисида» ва «СССРнинг 1967 йилги Давлат бюджети тўғрисида ва СССРнинг 1965 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақида»ги докладларни муҳокама қилишга киришдилар. Қозоғистон ССР Министрлар Советининг раиси депутат **М. Бейсебоев** биринчи бўлиб сўзга чиқди.

МОСКВА. СССР Олий Совети иккинчи сессиясининг мажлислар залида. В. Савостьянов ва Е. Кассин фотоси.

НОМАЪЛУМ СОЛДАТ ҚАБРИ ЁНИДА

Ўзбекистон вакиллари — сессияда қатнашиш учун Москвага келган СССР Олий Советининг депутатлари Улуғ Ватан урушининг немис-фашист босқинчиларга қарши курашда ҳалок бўлган қаҳрамонлари хотирасини бир минутлик сукут ичида ҳурматлаб эсга олдилар. Депутатлар 16 декабрда Кремль Саройи ёнидаги номаълум солдат қабрини зиёрат қилдилар. Улар қабр устига гулчамбар қўйдилар. Гулчамбар лентасига шу сўзлар ёзилган эди: «Москвани ҳимоя қилиш вақтида қаҳрамонона ҳалок бўлган номаълум солдатга — Ўзбекистон меҳнаткашларидан».

Гулчамбарни қўйиш маросимида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси ва ҳукуматининг раҳбарлари ҳозир бўлдилар. (ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ПЛАН-БЮДЖЕТ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Советининг план-бюджет комиссияси ўзининг навбатдаги мажлисларида республика Олий Советининг бўлажак сессиясига тайёргарликка доир масалаларни қараб чиқди.

Комиссия республика енгил саноат, қишлоқ қурилиши, аҳолига маиший хизмат, галла маҳсулотлари ва аралаш озуқа саноати министрликлари, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кинематография давлат комитети ва «Узглавводстрой»нинг 1966 йилги молия-хўжалик фаолиятининг дастлабки якунлари тўғрисидаги ҳисоботларини, шунингдек Самарқанд областида халқ хўжалиги планининг қандай бажарилаётганлиги ва бюджетнинг ижроси тўғрисида область ижроия комитетининг ҳисоботини муҳокама қилди.

14 декабрда министрликлар ва идоралар, меҳнаткашлар депутатлари бир қанча область ва шаҳар советлари ижроия комитетлари раҳбарларининг иштирокида план-бюджет комиссиясининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Ўзбекистон ССР Олий Советининг бошқа доимий комиссиялари раҳбарлари ҳам мажлисда қатнашдилар.

Мажлисда республика халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1967 йилги давлат плани лойиҳаси тўғрисида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Госплани раиси С. К. Зиёдуллаевнинг ва беш йилликнинг иккинчи йили республика давлат бюджети лойиҳаси тўғрисида Ўзбекистон ССР молия министри В. М. Муродхўжаевнинг ахборотлари тингланди.

Комиссия республика халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1967 йилги плани лойиҳасини ва республиканинг 1967 йилги бюджети лойиҳасини маъқуллади. (ЎзТАГ).

Деҳқон бўлсанг ШУДГОР ҚИЛ!

Республика областларида кузги шудгорлашнинг бориши тўғрисида 1966 йил 16 декабрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун — областлар, иккинчи стун — бир кунда ҳайдалган ер, учинчи стун — мавсум бошидан бери.

Тошкент	0,4	101,8
Сирдарё	1,5	101,0
Самарқанд	—	100,6
Бухоро	1,5	94,9
Қашқадарё	1,2	92,1
Андижон	1,2	91,4
Хоразм	0,8	90,0
Сурхондарё	3,0	81,1
Фарғона	1,9	69,8
ҚҚ АССР	0,4	22,4
РЕСПУБЛИКА БУЙИЧА:	1,2	89,9

ОКТЯБРЬ БАЙРОҒИ ОСТИДА

ИТТИФОҚ СОВЕТИДА

Катта Кремль саройи залида куннинг иккинчи ярмида депутат **Б. Е. Патон** раислигида Иттифоқ Советининг мажлиси очилди. План-бюджет комиссиясининг раиси депутат **П. А. Розенко** план-бюджет ва тармоқ комиссияларининг қўшимча докладини қилди. Келаётган йил, деди у, айниқса қутлуғ йилдир — Совет ҳокимияти 50 ёшга тўлади. Тарихан унча катта бўлмаган шу давр ичида Коммунистик партия унинг Марказий Комитети раҳбарлигида коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш йўлида жуда катта иш қилиди.

Мамлакатимиз меҳнаткашлари КПСС XXIII съездининг Директиваларини амалга ошира бориб, экономикани, фан ва маданиятни ривожлантиришда беш йилликнинг биринчи йилида катта муваффақиятларга эришдилар. Халқ фаровонлиги ошди.

1966 йилда қилинган ишларнинг якунлари, деди ўртоқ Розенко, 1967 йилда план ва бюджет топшириқларини муваффақиятли бажариш учун қулай шарт-шароит яратиб беради. Халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини янада ривожлантириш, халқ турмушининг моддий даражасини ва маданий савиясини ошириш, мамлакатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш кўзда тутилмоқда.

Ўртоқ Розенко Иттифоқ Совети план-бюджет комиссияларининг ва тармоқ комиссияларининг халқ хўжалигидаги бир қанча тармоқлар ишининг самарадорлигини оширишга, халқимиз турмушини янада яхшилашга қаратилган таклифларини депутатлар муҳокамасига тақдим этди.

Жумладан, ип газлама ва жун газламалар, чарм-пойафзал ва халқ истеъмол қиладиган бошқа молларни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш планини 1967 йил, да чакана нархлар билан ҳисобланганда 128,4 миллион сўм миқдорида кўпайтириш комиссиялар томонидан тавсия этилди.

Шу муносабат билан, шунингдек бюджет даромадларининг баъзи ресурсларини аниқлаб чиқиб, комиссиялар СССР давлат бюджетининг даромадларини 1967 йилда 120 миллион сўм миқдорида кўпайтирилсин, деган таклиф киритдилар. Иттифоқдош республикаларининг бюджетлари бўйича ажратладиган маблағлар ҳам шу миқдорда кўпайтирилади. Топилган бу қўшимча маблағларни шаҳарлар, район марказлари ва ишчи посёлкаларининг ободончилигига, касалхоналар, мактаблар, болалар муассасалари ва бошқа социал-маданий муассасаларни жиҳозлаш ва ремонт қилишга сарфлаш мўлжалланиб қўйилди.

Депутат П. А. Розенко СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг ҳукумат тақдим этган 1967 йилги давлат планини маъқуллашни ва 1967 йилги давлат бюджетини комиссиялар киритган тузатишлари ҳисобга олиб тасдиқлашни таклиф қилди. 1965 йилги давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот ҳам тасдиқлансин, деган таклиф киритилди.

Мўзокараларда биринчи бўлиб, Украина ССР Министрлар Советининг раиси депутат **В. В. Шчербицкий** сўзга чиқди. Халқимиз, деди у, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 50 йиллигини муносиб кутиб олишга тайёрланмоқда. Совет давлатининг 50 йиллиги — марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми идеяларининг буюк тантанасидир. кўп миллатли ватанимиздаги ҳамма халқларнинг катта ва қувончли байрамидир. Совет кишилари ва чет эллардаги ҳамма дўстларимиз мамлакатимизнинг Коммунистик партия раҳбарлигида эришган тарихий ғалабалари билан ҳақли равишда фахрланмоқдалар. Совет Иттифоқининг иқтисодий ва мудофаа қуввати йилдан-йилга мустаҳкамланмоқда, халқимизнинг фаровонлиги ошиб бормоқда.

Империалист кучларнинг агрессив қўпорувчилик ҳаракатларига ва Хитой раҳбарларининг Советларга қарши буюк давлатчилик сиёсатига қарамай, социалистик мамлакатлар билан дўстлигимиз ривожланиб ва мустаҳкамланиб бормоқда, мамлакатимизнинг халқаро обрўйи ошмоқда.

Мамлакатимиз меҳнаткашлари, деб давом қилди нотиқ, КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг ички ва ташқи сиёсатига иждиллик билан қувватламоқдалар, коммунистик қурилиш планларини муваффақиятли равишда амалга оширмоқдалар. Буни ушбу йилнинг ажойиб якунлари ва келгуси йилга мўлжалланган катта планларимиз якқол кўрсатиб турибди. Бу ҳақда Байбаков ва Гарбузов ўртоқлар ўз докладларида Олий Советга гапириб бердилар.

Нотиқ Украина меҳнаткашларининг Совет давлати экономикасини ривожлантиришга қўшаётган катта ҳиссасига тўхталиб ўтди. Бу йилги 11 ойлик план саноат ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми ва уни ўстириш суръатлари бўйича, меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш бўйича ошириб бажарилди.

Қишлоқ хўжалик меҳнатчилари КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қарорларини бажара бориб, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ҳамма тармоқларини ривожлантириш суръатларини оширдилар.

Нотиқ ҳукумат томонидан Олий Совет муҳокамасига киритилган план ва бюджет лойиҳалари партия XXIII съездининг Директиваларига мувофиқ ишлаб чиқилганлигини кўрсатиб ўтди. Бу план ва бюджет умуман мамлакат экономикасини ва ҳар бир иттифоқдош республика экономикасини янада ривожлантиришни таъминлайди. Ватанимизнинг мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлашни ва халқнинг турмуш даражасини тез ҳам оширишни таъминлайди. Украинада энергетика, машинасозлик, химия саноати, шунингдек халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқараётган саноат тармоқлари энг юқори суръатлар билан ривожлантирила берилади.

В. В. Шчербицкий Украинада хўжаликни юритишнинг янги системасига ўтиш муносабати билан амалга оширилаётган чораларни гапириб берди. жумладан, илмий тадқиқотларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга тез ва самаралироқ жорий қилиш зарурлигини уқтириб ўтди.

Меҳнаткашлар депутатлари Москва шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси депутат **В. Ф. Промислов** пойтахт меҳнаткашларининг коммунизмнинг моддий техника базасини вужудга келтиришга қўшаётган ҳиссаси ҳақида гапирди. Москва корхоналарининг коллективлари Совет давлатининг эллик йиллигини муносиб кутиб олиш учун мусобақани авж олдириб, шу йилнинг 11 ойи мобайнида пландан ташқари бир неча юз миллион сўмлик маҳсулот бердилар ва пландан ташқари 100 миллион сўмликдан зиёдроқ фойда олдилар.

Москва бинокорлари ҳам планни бажармоқдалар. Улар бу йил 120 минг квартира қуриб битказадилар. Демак, москваликлардан яна 400 минг киши янги уйларга кўчиб киради.

Москва саноатида ва шаҳар хўжалигида хўжаликни юритишнинг янги иқтисодий методларини жорий қилиш тажрибаси кенг миқёсда ўтказилмоқда. 75 завод ва фабрика янгича ишлаш системасига ўтди. Бу корхоналар шаҳарда ишлаб чиқарилаётган товар маҳсулотининг тўртдан бир қисмини бермоқда. Москва саноатида ишлаб турган жамики кишиларнинг 22 проценти шу корхоналарда ишламоқда. Мазкур корхоналар фаолиятининг дастлабки якунлари қувончли бўлди: маҳсулотни реализация қилиш анча кўпайди, меҳнат унумдорлиги ошди, кўпроқ фойда олинадиган бўлиб қолди.

Москвани реконструкция қилиш янги бош планининг техника-иқтисодий негизларида, деди сўзгра нотиқ, пойтахтнинг келажаги яққол кўриниб турибди. Бу негизлар аҳоли учун яхшироқ меҳнат шароити яратиб беришни, аҳолининг турмуши ва дам олишини юксак даражада ташкил этишни ва биринчи навбатда асосий проблемасини, ҳар бир оилани шинам квартира билан таъминлаш проблемасини кўзда тутади. Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари депутат **А. С. Қолибоев** ўз нутқининг анча қисмини хўжаликни юритиш ишларининг муҳим масалаларига бағишлади. Республика меҳнаткашлари, деди у, КПСС XXIII съездининг қарорларини ва беш йиллик биринчи йилининг планини бажариш учун муваффақиятли курашмоқдалар. Янги хўжалик иқтисоди энди ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Мамлакатга пландан ташқари кўпгина пўлат, темир руда, кўмир, цемент, нефть, минерал ўғитлар берилди. Янгидан-янги корхоналар ишга тушириилмоқда. Колхоз ва совхозларнинг меҳнатчилари катта муваффақият қозондилар. Мисли кўрилмаган ҳосил олинди. Давлатга 1 миллиард пуддан қўпроқ дон сотилди. Гўшт, жун сотиш йиллик планни муддатидан олдин бажарилди. Маҳнавий ва моддий стимуллари бир-бирига моҳирона қўшиб улардан фойдаланиш, деди нотиқ, одамларнинг ўз меҳнатига, ишлаб чиқаришга муносабатини анча ўзгартириб юборди.

Депутат республиканинг нефть-газ саноатини янада ривожлантиришга нималар ҳалақит бераётганлигини айтиб ўтди. Жумладан, у, бир қанча иттифоқ министрликларни ва идораларнинг диққат-эътибори Мангишлоқ нефть конлари ҳавзасини ривожлантиришга катта эътибор бериш зарурлигига жалб қилди. Нотиқ объектларни қуриш суръатларини жадаллаштириш, нефть ва газ запасларини текшириб аниқлаш мақсадида қидириш ишлари олиб бориш керак, деган масалани қўйди. Меҳнаткашларга, деди у, яхши уй-жой-маиший ва маданий шароитни тезроқ яратиб бериш керак.

А. С. Қолибоев муҳим ва поёнига етказилган илмий тадқиқот ишларини ишлаб чиқаришга тезроқ жорий қилиш чораларини кўриш ни таклиф этди. У, дойиҳаларни йўлакай ўзгартирга бериш объектлар қурилишига тўсқинлик қилаётганлигини ва буларни қимматлаштириб юборяётганлигини айтиб, бундай аҳволга чек қўймоқ учун комплекс илмий тадқиқот институтлари тузиш кераклигини тавсия қилди.

Пировардида А. С. Қолибоев КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган Пленумида қабул қилинган қарорнинг жуда катта аҳамиятини уқтириб ўтди.

Белоруссия ССР Министрлар Советининг Раиси депутат **Т. Я. Киселев** сўзга чиқиб айтдики, республикада автомобилсозлик ва тракторсозлик, химия ва электрон саноати, нефтни қайта ишлаш саноати ва бошқа тармоқлар каби индустриянинг замонавий тармоқлари муваффақиятли ривожланмоқда. Ҳозир республика саноати революциядан бурунги Белоруссиянинг бутун бир йил давомида берган маҳсулотини олти кунда ишлаб чиқармоқда. Республикада фан, халқ маорифи, адабиёт ва санъат барқ уриб ривожланмоқда.

Бу йил республиканинг қишлоқ хўжалик меҳнатчилари яхши меҳнат қилишди. Улар қорамол туёғини ва чорвачиликнинг маҳсулдорлигини кўпайтиришга муваффақ бўлдилар. Картошка, қанд лавлагидан катта ҳосил олинди. Давлатга гўшт, сут, тухум, жун, дон, картошка сотиш йиллик плани муддатидан олдин бажарилди. Умуман, колхозларнинг пул даромадлари ва ҳар бир колхозчининг меҳнатига тўланадиган ҳақ кўпайди.

Келгуси йилда, Совет ҳокимиятининг 50-йилида, деди пировардида нотиқ, Белоруссия меҳнаткашлари олдида тағин ҳам катта ва мураккаб вазифалар турибди. СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1967 йилги планини ва СССРнинг 1967 йилги бюджетини халқимиз муваффақиятли бажариб, коммунизм йўлида янги қадам қўйишига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ.

Депутат **Г. В. Романов** (КПСС Ленинград область комитетининг иккинчи секретари) сўзга чиқиб айтдики, Ленинград шаҳри ва областининг меҳнаткашлари беш йиллик биринчи йилининг топшириғини муваффақиятли равишда тугалламоқдалар. Маҳсулотнинг пишиқлик техника даражасини ва сифатини ошириш тўғрисида москволиклар билан бирга олинган мажбуриятлар бажарилмоқда. Тежамли бўлиш ҳаракати бошланиб кетганлиги туфайли пландан ташқари кўпгина машина, пойафзал ва бошқа маҳсулотлар тайёрлаб берилади.

Депутат корхоналарни янгича ишлаш шароитига ўтказиш тўғрисида гапириб, планлаштиришни янада такомиллаштириш зарурлигини уқтириб ўтди. Афсуски, деди ўртоқ Романов, баъзи министрликлар янги системанинг энг муҳим шартларини — план узлуксиз ва стабил бўлсин, деган шартни бузмоқдалар. Ишлаб чиқариш планлари корхоналарга анча кечикиб юборилаётганлиги ва тез-тез тузатилиб турганлиги сингари аҳволни нормал аҳвол, деб бўлмайди. Чунончи Ленинград саноати бўйича тўқиз ой ичида 189 корхонанинг планлари ўзгартирилди. Нотиқ халқ хўжалигини ривожлантиришнинг навбатдаги йил учун тузилган планларини декабрда эмас, балки учинчи кварталда тасдиқлаш керак, деб таклиф қилди.

Ўртоқ Романов ўз нутқининг анчагина қисмини Россия Федерациясининг йирик саноат марказларини ва илмий марказларини комплекс ривожлантиришга бағишлади.

Пировардида депутат айтдики, область корхоналарида, қишлоқ хўжалигида ва илмий муассасаларда Октябрнинг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун мусобақа кенгайиб бормоқда. Областимиз Ленин ордени билан мукофотланганлиги ижодий активликни яна кучайтириб юборди. Ўртоқ Романов депутатларни ишонтириб айтдики, революцион ва меҳнат традицияларига содиқ бўлиб қолаётган ленинградликлар юбилей йилида халқ хўжалигини ривожлантириш планини бажаришга ўзларининг бутун куч ва билимларини сарф-лайдилар.

Шундан кейин Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси депутат **Р. Қурбоновга** сўз берилади.

Шу билан Иттифоқ Советининг кечки мажлиси тугади.

16 декабрда СССР Олий Советининг сессияси ўз ишини давом эттирди. (ТАСС).

* * *

СССР Олий Совети 16 декабрда Кремлда ўз ишини давом эттирди. Совет мамлакати халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1967 йилги Давлат плани ва бюджетини муҳокама қилаётган барча депутатлар нутқларининг энг характерли хусусияти шуки, улар беш йилликнинг иккинчи йилида давлатимизни янада тез олга бостиришдан астойдил манфаатдор эканликларини изҳор қилмоқдалар.

Нотиқларнинг ҳаммаси мамлакатимизда халқимизнинг тарихидаги улуғ сана — Совет ҳокимиятининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш социалистик мусобақаси тобора авж олаётганлиги тўғрисида гапиришди. Нотиқлар ўз нутқларида КПСС Марказий Комитетининг яқинда тамом бўлган Пленумининг жаҳон коммунистик ҳаракатини жипслаштириш учун тарихий аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқдалар.

Депутатлар халқ хўжалигини ривожлантириш планларини ва янги йил бюджетини ҳар томонлама анализ қилиб, бу ҳужжатлар Советлар мамлакатидаги барча халқларнинг манфаатларига муносибдир, деб таъкидлайдилар. Улар муҳокама вақтида киритилган тузатишлар ва айтилган мулоҳазаларга мувофиқ, план ҳамда бюджетни тасдиқлашни таклиф этадилар.

Иттифоқ Совети Раисининг ўринбосари депутат **Ж. Расулов** арталаб соат 10 да Иттифоқ Советининг мажлисини очиқ деб эълон қилди. Шу ерда ҳозир бўлганлар **Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, А. П. Кириленко, К. Т. Мазуров, Н. В. Подгорний, М. А. Суслов, П. Е. Шелест, В. В. Гришин, П. Н. Демичев, Д. А. Кунаев, В. В. Шчербицкий, И. В. Капитонов, Ф. Д. Кулаков, М. С. Соломенцев** ўртоқларни самимий кутиб олдилар.

Палата СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госпланининг раиси депутат Н. К. Байбаков ва СССР молия министри депутат В. Ф. Гарбузовларнинг докладларини муҳокама қилишни давом эттиради.

Музокараларда Грузия Компартияси Абхазия область комитетининг биринчи секретари депутат **В. О. Кобахия** музокараларда биринчи бўлиб сўзга чиқади. Республика ишчилари ва колхозчиларининг ижодий меҳнати, деди у, хўжаликнинг асосий тармоқлари бўйича бош йиллик биринчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажариш имконини берди. Кўмир қазиб чиқариш, энергия ишлаб чиқариш, чойнинг дастлабки қайта ишланиши анча ортди. Саноатда ва транспортда планлаштириш ҳамда иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасига ўтилмоқда. Янгича ишлашнинг дастлабки натижалари иқтисодий ислоҳотларнинг ғоят самарадорлигини исбот қилади.

Бу йил қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари учун ҳам ғоят қулай келди. Дон, узум, цитрус ўсимликлари ва бошқа маҳсулотларни сотиш юзасидан берилган йиллик топшириқлар ошириб бажарилди. Давлатга планда кўрсатилган 195 минг тонна ўрнига 226 минг тонна сортли чой барги сотилди.

Нотиқ республика экономикаси ва маданиятини янада юксалтириш масалаларига тўхталиб ўтди.

Кузнецк металлургия комбинати мартин цехининг пўлат эритувчиси **К. Ф. Шабалов** қуйидагиларни айтди. Совет кишилари СССР Олий Совети шу сессиясининг ишини зўр эътибор билан кузатиб турибдилар. Бу тамомила табиий бир ҳол. Ахир, бунда гап Совет давлатининг ярим асрлик йўли тугалланадиган йил — юбилей йили халқ хўжалигини ривожлантириш плани тўғрисида бораётирку Совет Иттифоқидаги барча меҳнаткашлар каби биз, Кемерово металлургларининг ҳам, деб сўзини давом эттирди нотиқ, шонли юбилей арафасида фахрланишга, қувонишга арзийдиган нарсаларимиз бор. Ўз Ватанинг, ўзинг яшаб, меҳнат қилаётган ўлканг илгари қандай аҳволда бўлганлигини ва ҳозир ўз қиёфасини қандай ўзгартирганлигини яққол била туриб фахрланмай, шодланмай бўладими, ахир.

Депутат айтдики, Кемерово областидаги Новокузнецк шаҳри мамлакатимизнинг энг йирик саноат ва маданий марказларидан бири бўлиб қолди. Маҳаллий марказдаги бинолар Совет Иттифоқидан бошқа мамлакатларга ҳам маълум. Комбинат металлургларининг беш йиллик мунаффақиятли бошлаб бердилар. Улар 11 ойлик топшириқни яхши бажариб, пландан ташқари бир неча минг тонна чўян, пўлат, прокат ва бошқа маҳсулотларни тайёрлаб бердилар. Учинчи кварталдаги ишлари учун комбинатга СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг кўчма Қизил байроғи топширилди.

(Охири иккинчи бетда).

ВЬЕТНАМ ЕНГАДИ

«Азиз вьетнамлик қардошлар, бутун қалбимиз сизлар билан биргадир!», «Американинг агрессорлар шармандан-шармисор қилинсин!» Бу сўзлар Тошкент Давлат университетининг Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронти ташкил топган куннинг олти йиллигини тантанали суратда нишонлаш учун 16 декабрда йиғилишга тўпланган ўқитувчилари ва студентларининг кайфиятларини изҳор қилар эди.

Йиғилиш қатнашчилари университет проректори П. Б. Азизов ва доцент В. С. Никитченконинг нутқларини эътибор билан тингладилар. Улар Америка ҳарбийларига қаттиқ зарба бераётган Вьетнам ватанпарварларининг мардлиги ҳақида гапирдилар. Нотиқлар Жанубий Вьетнам миллий озодлик фронтининг муваффақиятлари тўғрисида ва барча совет кишилари, бутун прогрессив инсоният Вьетнам ватанпарварларига самимий хайрихоҳ эканликлари ҳақида гапирганларида залда гулдурос қарсаклар бошланди.

Студент Дилбар Файзиева ўз нутқида бундай деди: Биз улуғ Совет давлатимизнинг Вьетнам халқи ҳаққоний курашини актив равишда қўллаб-қувватлаётганлиги билан фахрланамиз. Америка империалистлари ўзларининг авантюристик сиёсати ҳалокатга маҳкум эканлигини тушуниб олишлари керак. Бизнинг қатъий сўзимиз шу: Янкилар Вьетнамдан туёғингизни шиқиллатиб қолинг!

Студентлардан Елена Аванесова ва Аскар Қосимов Вьетнам халқи билан қардошларча бирдамлик, Жанубий Вьетнам миллий озодлик фронти жангчиларининг ва Вьетнам Демократик Республикаси жангчиларининг мардлиги ҳамда юксак ғоя-ҳоқлигидан шодлик туйғуларини изҳор қилдилар. Улар, американ агрессорларга қарши озодлик урушининг қаҳрамонларига бағишланган шеърларини ўқиб бердилар. Комсомол комитетининг секретари Ш. Жалиловнинг университет студентлари пахта терими вақтида меҳнат қилиб топган 1200 сўмни қурашаётган Вьетнамга ёрдам фондига топширганлиги ларини хабар қилганида ҳамма ўз хурсандчилигини қарсаклар билан изҳор қилди.

Йиғилишда Вьетнам ешларининг университетда ўқиётган катта бир группаси ҳам қатнашди. Студент Хоанг Ван Тао улар номидан кўрсатаётган ёрдамлари ва эзгу тунгуларни учун совет кишиларига қизғин ташаккур билдирди.

Йиғилиш қатнашчилари Жанубий Вьетнам миллий озодлик фронтининг СССРдаги доимий ваколатхонасига табрикнома нўлладилар. Бу табрикномада Вьетнам халқи тез орада Америка босқинчилари устидан ғалаба қозонади, деб қатъий ишонч билдирилган. (ЎзТАГ).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

ОКТЯБРЬ БАЙРОҒИ ОСТИДА

Ўртоқ Р. ҚУРБОНОВ нутқи

(ЎЗБЕКИСТОН ССР, ИЗБОСКАН САЙЛОВ ОКРУГИ).

(Боши биринчи бетда).

Нотиқ техниканн тараққий эттириш масалалари ҳақида гапириб, Кузнецк комбинатини реконструкция қилишни тезроқ тугаллашни кўзда тутиш зарур, деди. Томск областидан Кемерово областигача газ қувури қуришни лойиҳалашга киришиш ва бу қувурни барпо эта бошлаш ҳам мақсадга мувофиқдир.

1967 йилги Давлат плани ва бюджети лойиҳаси, деди сўзнинг охирида К. Ф. Шабалов, партия Марказий Комитети ва Совет ҳукумати совет халқининг бахт-саодати ва равнақи тўғрисида эўр эътибор ва ғамхўрлик қилаётганликларини исбот этади.

Келгуси йилда халқ хўжалигини ривожлантириш планида, деди депутат, СССР Соғлиқни сақлаш министри Б. В. Петровский ўз нутқида, соғлиқни сақлаш ишларига катта эътибор берилган. План ва бюджетнинг қарийб ҳар бир бўлими совет халқининг меҳнати, турмушини яхшилаш билан, бинобарин, давлатимиздаги энг қимматли нарсани — кишининг ҳаёти ва соғлигини яхшироқ муҳофаза этиш билан бевосита ёки бавосита боғланган.

Министр жуда мароқли маълумотларни келтирди. Совет мамлакатидаги шифохоналарда икки миллиондан ортиқ ўрин бор. Совет Иттифоқида ҳар 10 минг кишига 24 врач тўғри келади, ваҳолонки бошқа мамлакатларда, ҳатто энг тараққий этган мамлакатларда ҳам ҳар 10 минг кишига кўп деганда 17-19 врач тўғри келади. Совет медицинаси техника билан юксак даражада таъминланган бўлиб, биология, физика, химия, математика ва бошқа фанларнинг ютуқларидан кенг фойдаланмоқда.

Ҳозирги вақтдаги асосий вазифа — аҳолига малакали ихтисосли медицина ёрдами базасини яхшилашдан иборат. Афсуски, баъзи республикаларда — Молдавия, Эстония, Озарбайжон, Арманистонда касалхона ва поликлиникалар капитал қурилиши планлари бажарилмаётир.

Нотиқ атеросклероз ва гипертоник касалликлар, юрак-қон томирлари хирургияси, тўқима ёки суякни кесиб бошқа жойга улаш проблемаларини ишлаб чиқишда, космик медицинани ривожлантиришда эришилган муваффақиятларга тўхталиб, олимлар жамоатчилиги олдида ҳали ҳал этилмаган катта вазифалар турибди, деб таъкидлади.

Б. В. Петровский профилактика тадбирларини қунт ва сабот билан ишлаб чиқиш зарур эканлигини айтди. Врачлар, деди у, меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги совет қонунларининг бажарилишини қаттиқ талаб этишлари, ҳаво, сув ва тупроқнинг ифлосланишига қарши кураш олиб боришлари лозим. Ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларида санитария маданиятини кенг жорий қилиш муҳимдир.

Бошқа иттифоқдош республикалардаги каби Тожикистонда ҳам, деди депутат Тожикистон ССР Министрлар Советининг раиси **А. Қаҳҳоров**, беш йиллик планни бажаришга муваффақиятли киришилди. Республика саноати халқ истеъмол қиладиган товарларни — газлама, гиламни ишлаб чиқаришни анча кенгайтирди. Енгил саноатнинг бир қанча янги корхоналари ишга туширилди. Қишлоқ меҳнаткашлари ҳам яхши натижаларга эришдилар.

Экономиканинг ривожланиши аҳолининг турмуши ва маданий савиясини оширишни, аҳоли реал даромадларининг кўпайтирилишини таъминлади. Колхозларда меҳнатга ой сайин гарантияланган ҳақ тўлаш усули муваффақиятли суратда жорий қилинмоқда. Давлат ва кооператив савдосининг чакана товар оборoти кўпайди. Маиший хизмат кўрсатадиган корхона шохобчалари кенгайди.

Нотиқ СССРнинг 1967 йилги плани ва бюджети лойиҳалари тўғрисида ўз фикрини айтиб, бундай деди: Бу ҳужжатлар Ленинча миллий сиёсатга мос бўлиб, мамлакатимиздаги барча қардош республикаларнинг экономикасини комплекс ривожлантириш ва ихтисослаштириш масалаларини кенг акс эттиради. Масалан, Тожикистонда саноат ишлаб чиқаришнинг ҳажмини 9 процент, шу жумладан, оғир индустриянинг камроқ тараққий этган соҳаларида ишлаб чиқариш ҳажмини 19 процент кўпайтириш кўзда тутилади. Қишлоқ хўжалиги янада ривожлантирилади. Аввало пахта етиштиришни кўпайтириш мўлжалланади. Бу тадбир деҳқончилик маданиятини юксалтириш ва суғориладиган ер майдонларини кенгайтириш йўли билан амалга оширилади.

Аммо қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг ўсиши техникага бўлган эҳтиёжни оширади. Шу муносабат билан ўртоқ Қаҳҳоров СССР Госплани ва трактор ҳамда қишлоқ хўжалик машинасозлиги иттифоқ министрлиги олдида пахтакорларни яқин йиллар ичида зарур техника билан тўлароқ таъминлаш масаласини қўйди.

Литва ССР Фанлар академиясининг президенти, депутат **Ю. Ю. Матулис** ўз нутқида илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва фан-техника кадрлари тайёрлаш тўғрисида гапирди.

Литванинг ишлаб чиқарувчи кучлари, деб таъкидлади у, хусусан кейинги вақтларда мавж уриб юксалмоқда. Энергетика тез ўсмоқда, индустриянинг, масалан, машинасозлик, станкосозлик, химия, электрон саноати, радио саноати каби янги тармоқлари вужудга келтирилди. Кадрлар тайёрлаш ишлари ҳам кенг йўлга қўйилди. Кейинги ўн беш йил ичида республикадаги олий ўқув юртларида ўқувчи студентлар сони 4,4 баравар, техникумларда ўқувчилар сони эса 5 баравар ортди. Аммо шундай бўлса ҳам, олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассислар тайёрлаш фан ва ишлаб чиқаришнинг эҳтиёжларидан қарийб кейинда қолмоқда. Олий ўқув юртларга ва техникумларнинг таълиммоддий базаси ҳозирги талабларга жавоб бермаётир. Кейинги йигирма йил ичида таълим ва илмий тадқиқот лабораторияларининг бир оз қисмигина замонавий аппаратлар билан жиҳозланди.

Депутат Литвада корхоналари бўлган иттифоқ саноат министрликлари олий ўқув юртлари ва техникумларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашда республикага ёрдам бера оладилар ва ёрдам беришлари керак, деб ҳисоблайди.

Молдавия ССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари депутат **Г. Ф. Антосяк** республика озиқ-овқат саноатидаги ишлаб чиқариш қувватларини қишлоқ хўжалик маҳсулотининг ҳажми билан мувофиқлаштириб олиб бориш проблемасига батафсил тўхталиб ўтди. Молдавиянинг озиқ-овқат саноати, деди у, мамлакатимизда озиқ-овқат товарлари тайёрлашда катта ўрин олади. КПСС Марказий Комитетининг март Пленумидан кейин республикада қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш кескин суратда ортди. Шу муносабат билан озиқ-овқат саноатини ривожлантириш масалаларини янгича ҳал этиш керак. Ишлаб чиқариш қувватларини оширишда ҳали ҳам учраб турадиган қолоқлиққа йўл қўйиб бўлмайди, чунки бу ҳол республиканинг экономикасида жиддий қийинчиликларни вужудга келтириши мумкин. Нотиқ қанд-шакар, консерва саноати ва озиқ-овқат индустриясининг бошқа тармоқларидаги ишлаб чиқариш қувватлари билан қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилининг ортиб бориши ўртасида тафовут борлигига доир яққол мисоллар келтирди. У, консерва, вино ва тамаки саноатининг янги корхоналарини қуриш масаласини ўртага қўйди.

Халқ хўжалигини ривожлантириш планларининг, хусусан капитал қурилиш планининг бажарилиши материал ва машина-ускуналар сарфини нормаллаштиришни яхши уюштириш, материал-техника билан бир меёрда таъминлаб туришга бевосита боғлиқдир, деди ўртоқ Антосяк нутқининг охирида. Ҳозирги сессия қатнашчилари бу масалаларга кўпроқ эътибор беришлари лозим.

(ДАВОМИ БОР).

Депутат ўртоқлар! СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госпланининг раиси ўртоқ Байбаков билан СССР молия министри ўртоқ Гарбузовнинг докладларида халқ хўжалигини ривожлантириш плани ва 1967 йилги СССР Давлат бюджети лойиҳаларининг энг муҳим қоидалари баён қилиб берилди. Бу лойиҳалар КПСС XXIII съезди директиваларига мувофиқ равишда ишлаб чиқилган ва ижтимоий ишлаб чиқаришни ўстириш суръатларини янада оширишни, совет халқининг турмуш даражасини оширишни таъминлайди.

Кўп миллатли Совет давлати босиб ўтган улуғ тарихий йўл социализм шароитида миллатнинг моддий ва маънавий қучлари барқ уриб яшнашидан яққол далолат бериб турибди. Совет Иттифоқида яшовчи ҳамма миллатлар ва элатлар иқтисодий ва маданий қурилишда зўр муваффақиятларга эришдилар ва қардош халқларнинг ягона оиласида тенг ҳуқуқли ўрин олиб турибдилар. Улуғ социалистик Ватан бахт-саодати йўлида қардошларча дўстлик ва ҳамжиҳат меҳнат билан бирлашган мамлакатимизнинг барча халқлари коммунизм қурилишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Ўзбекистон ССРда бу йилги планнинг бажарилишига оид дастлабки якунлар янги беш йиллик белгиланган топшириқлар барча муҳим кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли бажарилаётганлигини кўрсатиб турибди. Бу йил республика саноати олга томон янги шаҳдам одим ташлади. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 6,5 процент кўпайди, саноат маҳсулотининг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш юзасидан белгиланган топшириқлар ошириб бажарилди. Пландан ташқари кўп миқдорда электр энергия ҳосил қилинади, кўмир, газ казиб олинади, машинасозлик маҳсулоти, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарилади.

КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг қарорларига мувофиқ, республикада саноат корхоналарини планлаштириш ва моддий рағбатлантиришнинг янги системасига ўтказиш юзасидан катта ишлар қилинмоқда. Янгича иш шароитига ўтказилган корхоналар қўшимча топшириқларни муваффақиятли бажармоқда. Илгари тасдиқланган планга нисбатан маҳсулотни реализация қилиш ҳажми кўпайди, пландан ташқари фойда олинди, ишлаб чиқаришнинг рентабеллиги ошди. Ҳозир 1967 йилнинг биринчи кварталида саноат корхоналари ва автомобиль хўжаликларининг катта группасини хўжалик юритишнинг янги системасига ўтказишга тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Капитал қурилиш иши ҳам бирмунча яхшиланди. Ўтган йилдагига нисбатан давлат капитал маблағлари ҳажми 17 процент ортади.

Қишлоқ хўжалигини юксалтириш юзасидан КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорларига биноан амалга оширилган иқтисодий чоралар шу йилнинг ўзидаёқ баракали натижалар берди. Бу йилги қийин об-ҳаво шароитида колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий турларини тайёрлаш планини бажардилар. Бу йил пахтакорлар айниқса катта муваффақиятларга эришдилар. Биз СССР Олий Совети сессиясига шуни зўр мамнуният билан маълум қиламизки, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг меҳнатчилари давлатга 4 миллион 80 минг тонна пахта сотиб, давлат топшириғига қўшимча равишда 380 минг тонна пахта бердилар. Пахта териш машиналари кенг қўламда ишлатилганлиги натижасида пахта теримида юксак суръатларга эришилди. Бу йил бутун ҳосилнинг учдан бир қисми машинада териб олинди.

Меҳнаткашларнинг турмуш даражасини ошириш соҳасида янги муваффақиятлар қўлга киритилди. Уй-жой ва коммунал қурилиш кенг миқёсларда олиб борилмоқда, аҳолини озиқ-овқат ва саноат товарлари билан таъминлаш яхшиланди, болалар муассасалари умумий таълим мактаблари, касалхоналар ва бошқа социал-маданий муассасалар тармоғи кенгайтирилди.

Экономика ва маданиятни ривожлантиришда эришилган муваффақиятлар Ўзбекистон ССР давлат бюджетини бажариш учун иқтисодий негиз вужудга келтирди. Бу эса, халқ хўжалик планида кўзда тутилган ҳамма тадбирларнинг пул билан таъминлаш имконини берди.

Лекин шуни айтиш керакки, биз мавжуд резервлар ва имкониятлардан тўлиқ фойдаланганимизда республикамизнинг муваффақиятлари бундан ҳам кўпроқ бўлган бўлур эди. Завод ва фабрикаларнинг ҳаммаси ҳам топшириқни бажаряпти деб бўлмайди. Норентабель, зарар кўриб ишловчи корхоналар ҳали ҳам бор. Капитал қурилиш соҳасидаги жиддий камчиликларга батамом барҳам берилган эмас. Бу нарса биздан келгуси йилда хўжаликка раҳбарлик даражасини ошириш, халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида давлат интизомини мустаҳкамлаш юзасидан кескин чоралар кўришни талаб қилади. Материал ресурсларидан тежаш ҳам самарали фойдаланиш борасида кўп иш қилишимиз лозим.

Депутат ўртоқлар! 1966 йил бизнинг республикамиз учун одатдан ташқари қийин йил бўлди. Баҳорда бўлиб ўтган кучли тошқинлар, довуллар ва бўронлар республика халқ хўжалигига анчагина зарар етказди. Пойтахтимиз Тошкент меҳнаткашлари кўпгина офатларни бошдан кечиришга мажбур бўлдилар. Ўзингизга маълумки, рўй берган кучли зилзила шаҳарга катта шикаст етказди: шаҳар уй-жой фондининг анча қисми вайрон бўлди, кўп миқдордаги саноат корхоналари, ўқув юртлари, маданий-маиший муассасалар шикастланди ва бузилди.

Орадан салкам саккиз ой вақт ўтди. Шу вақт ичида Тошкентда 700 мартадан ортиқ ер силкиниши қайд қилинди, бу силкинишлар ҳозир ҳам давом этиб турибди. Лекин биз бугун сессияга шуни айта оламизки, кутилмаган фалокат Тошкент аҳолисининг руҳини тушира олмади. Тошкентликлар мардлик, зўр интизом ва уюшқоқлик кўрсатдилар, шу туфайли пойтахтимизнинг меҳнат турмуши ва ижтимоий ҳаётига халал етгани йўқ.

Ўша аянчли кунларда Тошкент аҳолиси ўзини якка-ёлғиз деб ҳис қилмади. Партиямиз, бутун совет халқи тошкентликларга ҳамдам бўлдилар. КПСС Марказий Комитети, ҳукумат фалокат юз бериши биланоқ зилзила оқибатларини тугатишда республикага зарур ёрдам бериш чораларини кўрдилар. Бизнинг москвалик, ленинградлик қардошларимиз; РСФСРнинг ўлка ва областларидаги, Украина ва Белоруссиядаги, Қозоғистон ва Грузиядаги, Озарбайжон ва Литвадаги, Молдавия ва Латвиядаги, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Арманистон, Эстониядаги қардошларимиз қулфат кунларида жон-дилдан тошкентликларга ёрдам бердилар. Қардош республикалардан Тошкентга келган бинокорлар, шунингдек Қуролли Кучларнинг бинокорлик қисмлари қийин шароитларда жадал суръатлар билан янги уй-жой бинолари ва бутунбутун кварталлар қуриб бермоқдалар.

Орадан кўп ўтмай, вайрон бўлган кўчалар ўрнида янги Тошкент қад кўтаради, унда Москва, Ленинград, Киев, Минск ва бошқа шаҳарларнинг номи билан юритилувчи кварталлар ва проспектлар пайдо бўлади. Янги Тошкент бир умр социалистик тузум, халқларнинг ленинча дўстлиги улуғ бувёдкорлик қучининг жонли тимсоли бўлиб қолади. Шу залда Ватанимиздаги барча халқларнинг намояндалари ўтиришибди. Ана шу мўътабар минбардан қардош республикаларнинг меҳнаткашларига Тошкентдаги зилзила оқибатларини тугатишда берган ёрдамлари ва мададлари учун ўзимизнинг чуқур миннатдорчилигимиз ва ташаккуримизни изҳор қилишимга ижозат бергайсиз. **(Қарсаклар).**

Ҳали айтганимдек, Тошкентда 700 мартадан ортиқ ер силкиниши рўй берди. Бу эса, яна бир қанча биноларга шикаст етказди ва шаҳардаги ремонт-тиклаш ишлари ҳажмини кўпайтирди. Тошкентнинг кўпгина меҳнаткашлари ҳали ҳам оғир уй-жой шароитида қолиб келмоқдалар. Биз ана шу жуда катта табиий офат, пойтахтимиз бошига тушган зўр қулфат оқибатларини тезроқ тугатиб аҳолига энг зарур уй-жой-маиший шароитларни яратиб беришимиз зарур. Тошкентни тезроқ тиклаш ва ремонт-тиклаш ишларини тугаллаш учун 1967 йилда қўшимча маблағлар керак бўлади, шу сабабли биз СССР Министрлар Советидан шу ишларга зарур маблағлар ажратишни сўраймиз.

Депутат ўртоқлар! СССР халқ хўжалигини ривожлантириш 1967 йилги Давлат плани ва Давлат бюджетининг ушбу сессия муҳокамасига тақдим этилган лойиҳалари мамлакатимиз, барча иттифоқдош республикалар экономикаси ва маданиятини янада гуркиратиб ривожлантиришни таъминлайди.

1967 йилда биз республика экономикасини янада ривожлантириш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш халқ хўжалигидаги асосий пропорцияларни яхшилаш учун катта аҳамиятга эга бўлган капитал қурилишнинг катта программасини амалга оширишимиз лозим, капитал маблағлар ҳажми 21 процент кўпайтирилади. 1967 йилга мўлжалланган капитал маблағлар ҳажмини муваффақиятли бажармоқ учун биз қурилиш ишларини яхшироқ ташкил этиш, ихтисослаштирилган қурилиш-монтаж ташкилотларини мустаҳкамлаш, қурилиш ишларини, индустриалаштиришни ва механизациялашни ошириш, материаллардан тежабтергаб фойдаланиш чораларини кўрдик аммо шуни айтиш керакки, республикада бинокорлик материалларининг етишмаётганлиги ва бинокорлик индустриясининг базаси заифлиги қурилиш ишларининг катта программасини бажаришга ҳалақит бермоқда. Бажарилаётган қурилиш-монтаж ишларининг ҳажми деворбоп материаллар ишлаб чиқариш ҳажмига мос келмай қолди. Бунинг сабаби шуки, бинокорлик индустриясидаги қувватларни кўпайтириш пайсалга солинмоқда. Сўнгги 10 йил мобайнида биз битта ҳам гишт заводи қурганимиз йўқ, уларни реконструкция қилишга асбоб-ускуналар билан таъминлашга, сермеҳнат ишларни механизациялашга, ўзингиз амортизация муддатларини аллақачон ўтаб бўлган ва йшдан чиқиб қолган асбоб-ускуналарни янгилари билан алмаштиришга маблағ сарфлашни деярлик батамом тўхтатиб қўйдик. Жами деворбоп материалларнинг 85 процентидан кўпроғини бераётган гишт заводлари ҳаддан ташқари кўнгилсиз аҳволга тушиб қолган, уларнинг қувватларидан атиги 80 проценти фойдаланилмоқда. Яқин йиллар мобайнида гишт деворбоп материаллар балансида ўзингиз муҳим аҳамиятини сақлаб қолиши турган гап, шу сабабли Бинокорлик материаллари саноати министрлиги республика билан биргаликда гишт саноатини тубдан реконструкция қилиш ва қайта ускуналаш чораларини ишлаб чиқиши. СССР Госплани эса яқин икки-уч йил ичида шу проблемани ҳал этишни таъминловчи капитал маблағларни ажратиб бериши лозим.

Депутат ўртоқлар! Капитал қурилиш орқада қолаётганлиги ҳақида гапирганда материал-техника таъминотидаги жиддий камчиликлардан кўз юмиб бўлмайди. Капитал қурилиш планлари кўпинча ишлаб чиқариш ва материал-техника таъминоти планлари билан, ишлаб чиқариш қувватлари ва объектларни ишга тушириш муддатлари билан боғлаб тузилмайди.

Қурилишни ёғоч-тахта билан таъминлаш устида алоҳида тўхталиб ўтишни зарур, деб ҳисоблаймен. Ёғоч-тахта етказиб бериш плани доимо бажарилмай келинаётганлиги капитал қурилиш плани йил сайин бажарилмай қолаётганлигининг энг асосий сабабларидан биридир. Шу йилнинг 10 ойи мобайнида республикадаги қурилишлар 1 миллион 242 минг куб метр ёғоч планнинг 34 проценти миқдорида қам ёғоч-тахта олди. Ўзингиз бир ўйлаб кўринг шундай бир шароитда қурилиш планини муваффақиятли бажариб бўладими? Бунинг устига республикага юборилаётган ёғоч-тахтанинг анчагина қисми паст сифатли эканлигини ҳам эътиборга олиш керак. Бу масалани ниҳоят ҳал қилиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Шу билан бирга ўзингиз ўрмон-хомашё базасига эга бўлган республикаларга ҳам шу базаларни мустаҳкамлашда ёрдам бериш ва дарахт кесиш учун зарур ўрмон фондини ажратиш лозим.

Қурилишлар ва корхоналарни зарур бинокорлик материаллари ва асбоб-ускуналар билан ўз вақтида тўла-тукис таъминлаб қўйиш қурилиш ишларини муваффақиятли олиб боришнинг асосий шартларидан биридир.

Депутат ўртоқлар! Бизнинг республикамизда енгил саноатни тез ривожлантириш имконини берувчи катта-катта меҳнат ва энергетика ресурслари бор. Аммо енгил саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришда Ўзбекистон ССР охирги ўринда турибди. Вужудга келган бундай аҳвол аҳолини зарур халқ истеъмол товарлари билан таъминлашга таъсир қилмоқда, бир қанча товарларга бўлган эҳтиёж ҳали ҳам қондирилмаяпти. Бу эса, табиий равишда шунга олиб келмоқдаки аҳолининг ўсиб бораётган даромадларидан бир қисми пул муомаласида қатнашмаяпти, натижада халқ хўжалигига зарар етмоқда.

Енгил саноат министрлиги биз билан биргаликда яқин йиллар ичида енгил саноатни кескин юксалтириш тадбирларини ишлаб чиқиб, амалга оширса чакки бўлмас эди Жумладан, пойафзал саноати соҳасида шундай тадбирларни ишлаб чиқиш ва тақдим этдик.

Енгил саноат тўғрисда гапирганда шуни ҳам айтиш керакки, 1967 йил планининг Ўзбекистон енгил саноатини ривожлантиришга тааллуқли қисмида СССР Госплани ялпи ва товар маҳсулотнинг натурал кўрсаткичлари ўртасида номувофиқликка йўл қўйган. Бу эса, харидор талаб қилмаётган анча қиммат буюмлар ишлаб чиқариш заруратини туғдиради ва корхоналарни планлаштиришнинг янги тартибига ўтказиш вақтида жиддий қийинчиликларни келтириб чиқаради. Биз планга тегишли тузатишлар киритишни сўраймиз.

КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми қарорларига мувофиқ республика мелиорация қилинган янги ерларни ўзлаштириш ва суғориладиган ерларнинг ҳолатини яхшилаш юзасидан катта-катта вазифаларни бажариш керак бўлади Мирзачўлдаги мелиорация ишларини кенгайтириш билан бирга, КПСС XXIII съезди директивларида кўзда тутилганидек, Қарши даштини ўзлаштириш соҳасидаги ишларни 1967 йилда кенг кўламда кучайтириб юборишимиз лозим. Қарши дашти мамлакатимизнинг катта бойлигидир. Бу ердаги қулай иқлим шароитлари қиска вақт ичида йирик пахтачилик райсини вужудга келтириш, пахтанинг айниқса қимматбаҳо ингичка толали навларини етиштириш имконини беради. Бу ерда етарли миқдорда меҳнат ресурслари борлиги ҳам Қарши даштини тез ўзлаштиришга ёрдам беради Қарши даштини ўзлаштиришга 1964 йилда киришилган эди. Ҳозиргача 52 миллион сўмлик иш қилиб қўйилди ва бу ерда бинокорларнинг катта малакали коллективи меҳнат қилмоқда. Бироқ, ҳали баъзи бир ҳал этилмаган масалалар борки, улар Қарши даштини ўзлаштириш ишларини кенгайтиришга халақит бермоқда. Шу сабабли биз бу масалаларни тезроқ ҳал қилиб беришни сўраймиз.

Депутат ўртоқлар! СССР Министрлар Советининг СССР Олий Совети муҳокамасига тақдим этган халқ хўжалигини ривожлантириш 1967 йилги плани ва давлат бюджети лойиҳалари совет экономикаси, фани ва маданиятини янада ривожлантириш вазифаларига батамом мос бўлиб тушади. Шу билан бирга қўшимча равишда қараб чиқишни ва ҳал этишни талаб қилувчи бир қанча масалалар бор. Жумладан, Ўзбекистон бўйича бюджет лойиҳасида шаҳарлар ва район марказларини ободонлаштиришга, уй-жой фондини капитал ремонт қилишга, социал-маданий муассасалар учун анжом ва ускуналар сотиб олишга ажратилган маблағ етарли эмас. Бизнинг илтимосларимиз план бюджет комиссияларига топширилди ва биз план билан бюджетни тасдиқлаган вақтда шу илтимосларни ҳисобга олишни сўраймиз.

Халқ хўжалигини ривожлантириш 1967 йилги давлат плани ва СССР давлат бюджетининг СССР Министрлар Совети тақдим этган лойиҳаларни план-бюджет комиссиялари киритган тузатишлар билан биргаликда тасдиқлаш тўғрисида ўзимдан олдин сўзга чиққан депутатларнинг таклифларига батамом қўшиламан.

Ўзбекистон меҳнаткашлари 1967 юбилей йилида республика олдида турган катта-катта вазифаларни шараф билан бажариш учун ҳормай-толмай меҳнат қиладилар, деб ишончим сессияни ишонтиришга рухсат бергайсиз! **(Қарсаклар).**

ЕР ҚИМИРЛАШ ТУГАБ БОРМОҚДА

ТОШКЕНТ, 16 декабрь. (ТАСС мухбири А. Ершов). «Тошкент сейсмик станцияси» шаҳарда ер қимирлаш бошланганидан бери 700 мартадан кўпроқ зилзила бўлганлигини қайд қилди. Бироқ, икки ойдан бери шаҳарда бир марта ҳам қаттиқ зилзила бўлмади.

Узбекистон Фанлар академияси сейсмология институтининг директори Ғ. Мавлонов Тошкент зилзиласи қандай ривожланганлигини шарҳлаб, бундай деди: Ер қимирлаш янги йилгача давом этаверади. Эҳтимол, бундан кейин ҳам бир оз вақт ер қимирлаб туриши мумкин. Бироқ, 7-8 балл кучга эга зилзила бўлиши кутилмайди. Аммо, 5-6 балли ер қимирлашлар бўлиши эҳтимол. Умуман, бундан кейинги ер қимирлашларнинг кучи икки-уч, тўрт баллдан ошмайди».

Олимлар зилзила жараёнини анализ қилиб, шундай хулосага келишди.

Узбекистон пойтахтидаги ер қимирлашларни ўрганмоқ учун жуда кўп махсус асбоблар ўрнатилди ва кўпгина жойларда ерлар қазиб текширилмоқда.

Аниқ текшириш ишлари Тошкентнинг айрим районлари астасекин кўтарилаётганлигини кўрсатди. Масалан, «Тошкент сейсмик станцияси жойлашган район уч ой мобайнида 50 миллиметр кўтарилганлиги аниқланди.

Олимлар сейсмик кузатишларнинг натижаларини электр ҳисоблаш машиналари ёрдамида ишлаб чиқиб, Тошкент ерининг остида жойлашган зилзила манбаларининг схемасини тузадилар.

СУҒОРИШ ВА ПАХТАЧИЛИК

Н. МАТЧОНОВ,
Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари.

Ўзбекистоннинг қурғоқчилик иқлими шароитида суғориш етиштириладиган барча экинлардан барқарор ҳосил олишда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Деҳқонлар сувни доимо юксак қадрлаб келишган. Илгари шундай бир нақл бор эди: «Сув тамом бўлган жойда ҳаёт ҳам тамом бўлади». Минглаб йиллар давомида одамлар ўзларининг ақл-идроклари ва талантларини, куч-ғайратлари ва меҳнатларини суғориш системалари барпо этишга сарфлаб келдилар. Бироқ моддий бойликларни яратувчиларнинг ўзлари ўз меҳнатлари меваларидан фойдаланиш имконидан маҳрум эдилар, ҳамма нарсани бой-эксплуататорлар ўзлаштира берардилар. Фақат Октябрь революцияси ердан фойдаланиш асосларини тубдан ўзгартирди — деҳқонлар ер, ўрмонлар ва сувни бир умрга ўз қўлларига олдилар

Ер Советлар Республикаси оқ гвардиячилар ва интервентларга қарши кескин жанглар олиб борган 1918 йилдаёқ Владимир Ильич Ленин Туркистонда ирригация ишларини ташкил қилиш ва ерларни суғоришга 50 миллион сўм маблағ ажратиш ҳақидаги тарихий декретга имзо чеккан эди. Мутлақо янги социал-иқтисодий негизда сув хўжалиги ишларига ана шундай асос солинган эди.

Ўзбекистон партия ташкилоти Ленин кўрсатмаларига амал қилиб, ирригация ва мелиорация қурилишини кенг авж олдирди. Аҳолининг оммавий равишдаги иштирокида каналлар ва гидротехника иншоотларининг кенг тармоғи қурилди 1928 йилдаёқ республика жаҳон урушидан илгариги даражасидан ўзиб кетди. Ҳозирги вақтда бу ерда 22 мингта гидротехника иншооти бўлган 900 га яқин суғориш системаси ишлаб турибди.

Фақат ўтган етти йил мобайнида сув хўжалиги қурилишига бир миллиард сўмдан ортиқ — шундан илгариги етти йилликдагига нисбатан уч баравар кўп маблағ сарфланди. Сув омборларининг сиғими етти йиллик мобайнида 1,4 миллиард кубметр ошди. Далага секундига 50-60 куб метр сув чиқариб берувчи кучли насос станциялари қурилди. Каналларнинг сув ўтказиш қобилияти кўп даражада ошди. Сув камчил районларда сувнинг ерга шимилиб кетиши натижасида нобуд бўлишини камайтириш мақсадида 545 километр узунликдаги суғориш каналлари ўзанига бетон ётқизилди. Суғориладиган ерларнинг шўрланиши ва ботқоқланишига қарши кураш мақсадида янги йирик коллектор-зовур тармоқлари қурилди ва мавжудлари реконструкция қилинди. Ҳозирги вақтда ана шу коллектор-зовур тармоқларининг узунлиги 37 минг километрдан ошади.

Ирригация ва мелиорация ишларининг кенг ривожлантирилиши билан бир қаторда республика қишлоқ хўжалиги ҳозирги замон техникаси билан муттасил равишда таъминлаб борилмоқда, тобора кўпроқ минерал ўғитлар ва ҳосил учун курашда зарур бўладиган бошқа химиявий воситалар олмоқда. Кейинги йилларда, айниқса КПСС Марказий Комитетининг март (1965 йил) Пленумидан кейин пахтакорларнинг маҳсулот етиштиришни кўпайтиришдан моддий манфаатдорлиги сезиларли даражада кучайди. Буларнинг ҳаммаси қисқа муддат ичида пахта етиштиришни кўпайтириш имконини берди. Ўзбекистон мамлакатда тайёрланадиган барча пахтанинг 70 процентдан кўпроғини бермоқда.

Бу йил республика колхоз ва совхозлари тарихда биринчи марта ўзларининг аллий орзуларига етдилар — ҳар гектар ердан 25 центнердан ортиқ пахта олдилар ва мамлакатга 4.080 минг тонна «оқ олтин» бердилар. Барча областлар ва Қорақалпоғистон АССР давлатнинг план-заказларини ошириб бажарди. Хоразм областининг хўжаликлари ҳар гектар ердан 35 центнердан, Андижон ва Сурхондарё областларининг хўжаликлари эса 28 центнердан ҳосил олдилар. Республиканинг энг йирик пахтакор районлари бўлган Денов, Янгиариқ, Шаҳрисабз, Сариосиё, Хива районлари ва бошқа айрим районлар ҳар гектар ердан 35 центнер ва ундан кўпроқ ҳосил териб олдилар, кўпчилик колхоз ва совхозлар эса ҳосилдорликни 40 центнерга етказдилар.

Ўзбекистон пахтачилиги эндиликда энг янги технология ва ҳозирги замон қишлоқ хўжалик техникасини кенг жорий этишга асосланмоқда. Республика хўжаликларида экишгача бўлган ва экиш ишлари, ғўза қатор оралари ишлаш ва бошқа кўпгина жараёнлар тўла равишда механизациялаштирилди. Кейинги йилларда пахтани теришнинг механизация даражаси кескин ошди. 1966 йили пахта териш машиналари билан 1.325 минг тоннадан ортиқ пахта — барча ҳосилнинг учдан бир қисми териб олинди. Пахта териш техникаси колхоз ва совхозларда етти юз минг теримчининг қўл меҳнати ўрнини босди. Кўпчилик районлар, колхозлар ва совхозлар пахта теримини 50-70 процент механизациялаштирдилар.

КПСС XXIII съездининг беш йиллик план юзасидан Директиваларида: Ўзбекистон ССРнинг асосий пахта базаси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади деб кўрсатилган. Республика олдига пахта етиштиришни муттасил кўпайтириб бориш вазифаси қўйилган. Ана шу муҳим вазифани амалга ошириш учун ирригация ва мелиорацияни янада ривожлантиришнинг кенг программасини бажариш талаб этилади. Бир миллион гектаргача бўлган майдонда суғориш системаларини реконструкция қилиш ва ерларнинг сув билан таъминланишини яхшилаш назарда тутилади. Тошкент областида умумий сиғими 2.080 миллион куб метрдан иборат Чорвоқ ва Оҳангарон сув омборлари қурилмоқда, Фарғона водийсида сиғими 1.750 миллион куб метрдан иборат Андижон сув омбори қурилаётир. Косонсой денгизининг миқёси оширилади. Каркидон сув омборнинг иккинчи навбати фойдаланишга топширилади ва Ғовосой ҳамда Сўх сув омборлари қурилади. Марказий Фарғона канали қурилиши бошланди.

Қашқадарё областида янги ерларни ўзлаштириш ва йирик пахтачилик райони барпо қилиш учун кенг майдонлар мавжуд. Ана шу область территориясига кирадиган Қарши даштининг иқлим ва табиий шароитлари пахта, айниқса ингичка толали пахта сортларини етиштириш учун тўла қулайлик туғдиради. Бу ерда сарфланган капитал маблағларнинг ўрни тез қопланади, мамлакат эса саноат учун кўп миқдорда юқори сифатли пахта олади. Бироқ, ана шу областнинг пахта етиштирувчи хўжаликлари ҳозирги вақтда сув билан яхши таъминланмаган.

Чимқўрғон сув омбори ишга туширилганлигига қарамай кўпчилик ерларга нормадагига нисбатан икки баравар кам сув берилмоқда. Шу сабабли Пачкамар ва бошқа сув омборлари қурилишини тезлаштириш юзасидан чоралар кўрилмоқда. Қарши даштини ўзлаштириш ишлари қучайтирилмоқда. Қашқадарё областининг меҳнаткашлари Қарши даштини тезроқ ўзлаштириш ва барча хўжаликларни сув билан таъминлашни яхшилашда уларга ҳар тарафлама ёрдам кўрсатилишига амин-дирлар.

Амударё оқимини тартибга солиш ва унинг қуйи оқимида жойлашган ерларни сув билан нормал даражада таъминлашдан иборат энг муҳим проблема ҳал қилинмоқда. Тахиатош плотинаси қурилиши ҳозирнинг ўзидаёқ қизғин тус олдириб юборилди, сиғими 4,5 миллиард куб метрдан иборат сув омбори бўлган Туямўйин гидроузелини қуришга тайёргарлик кўрилмоқда. Тахиатош ва Туямўйин Хоразм области, Қорақалпоғистон АССР ва

ТИЛАККА ЕТИШГУНЧА...

⊙ «АЖОЙИБ МАХЛУҚОТ» САБАБ БЎЛИБ... ⊙ ТИЛМОЧ МУАЛЛИМ. ⊙ КАТТАЛИГИ МИЛЛИМЕТР ҲАМ КЕЛМАЙДИГАН МАЙДА ҲАЙВОНЛАР ҲАЁТИ. ⊙ БАЛИҚ — ШОЛИ ҲОСИЛИНИ ГЕКТАРИГА САККИЗ ЦЕНТНЕРГАЧА КЎТАРАДИ. ⊙ БИОЛОГИЯ ФАНИ ТУШУНЧАСИНИНГ ЯНГИЧА ТАЛҚИНИ.

Ўзи ёш бўлса ҳам яхши ишлаб-яхши гапир лавозими ҳам кичик эмас эди. Ўнсаккиз ёшида Маргилон шаҳар ижроия комитетининг секретари бўлди. Кейин шаҳар маорифи бўлимига секретарликка ўтди. Ўзига яраша обрўси бор, ҳеч нарсадан камлик жойи йўқ эди. Лекин қўлига «Ажойиб махлуқот» деган китоб тушиб қолди-ю, ҳаётида янги саҳифалар очди...

У китобга ишқивоз эди. Муқовачи саҳоблардан китоб сотиб олиб юрар шулар билан ўз билимини оширарди. Гоҳо унинг қўлига жуда нодир китоблар ҳам тушиб қоларди. «Ажойиб махлуқот» ҳам шундай китоблардан биттаси бўлиб чиқди. Ҳайвонлар ҳақида бундан тўрт юз-беш юз йил муқаддам ёзилган бу китобдаги ҳикоятлар уни ўзига ром қилиб олди-қўйди. У шундай ўқишга кириш тараддудига тушиб қолди. Нигирма тўққизинчи йили Тошкентга бориб ўқишга киришга ҳаракат қилиб кўрди. Лекин узоқда ўқишни уйдаги шароит кўтармади. Орқага қайтди...

Унинг бахтига, келгуси йили Фарғонада педагогика институти очилиб қолди. У «ҳайвонлар ҳаётини ўргатадиган ўқишга» — пединститутнинг биология факультетига кирди.

Бир йил ичида у «тилмоч-муаллим» номини олди-қўйди. Профессорлар С. Аверинцев ва Н. Леоновлар бу ярқираган галантин ўз тарбияларига олишди. У ассистент бўлиб қолди. Профессорларнинг лекцияларини дарс вақтида таржима қила бошлади.

Биз чорак асрлик ҳаёти ва ижодини катталиги бир миллиметр ҳам келмайдиган, шолипояда ва сув ҳавзаларида яшайдиган майда ҳайвонлар ҳаётини ўрганишга бағишлаган олим-биология фанлари доктори, профессор Авлиё Муҳаммадиев ҳақида ҳикоя қилаётирмиз. Бир олим-олим бўлгунча, тилагига етгунча, бир илмий ишни охирига етказгунча қанча машаққатларга дуч келиши, неча марта тушкунликка тушиб, неча марта бахт чўққисига чиқиши мумкин.

У ўқишни 1934 йилда тугатгандан кейин институтда беш йил ўқитувчилик қилди. Ўзини илмга уриш учун беш йил тайёрлик кўрди. У варақламагач китоб, магазин чақмаган мужмо қолмади ҳисоб. Бу фанинг ўрганилмаган, оқсоқ томонларини топди. Кейин ўзининг ҳаётини, тақдирини шунга боғлади, бағишлади...

Унинг дарс бериш талантига тан бермаган ҳамкасби йўқ эди десак муболаға бўлмас. Институт илмий совети ҳам буни тан олди. Уни зоология кафедрасига мудир қилиб тайинлади. Авлиё акани лавозим қизиқтирмасди, лекин масъулиятни унутадиган одати ҳам йўқ эди...

Қайта-қайта экспедицияга чиқишлар, микроскопда ўтказилган юзлаб текширишлар, тунларни бедор ўтказиб қилинган тажрибалар ниҳоят ўз натижасини кўрсатди. Шолипояда 450 хилдан ортиқ организмлар — кўз илғамас майда жониворлар борлиги аниқланди, ҳаёти ҳар томонлама ўрганиб чиқилди. Энг йиригининг катталиги бир миллиметр ҳам келмади. Шундай экан, уларнинг шолига қандай таъсири бўлсин, дерсиз. Пўқ, тирик мавжудот бўлгандан кейин таъсири бўларкан. Бу кейинроқ маълум бўлди. Аввал эса Авлиё ака уларга характеристика берди. Бу фанда катта бўлмаса ҳам бир янги қўриқ очиш билан баробар иш эди. У шу илмий иши учун биология фанлари кандидати деган илмий даража олишга муяссар бўлди. Орадан бир йил ўтмай, Авлиё Муҳаммадиевга доцент унвони берилди. Оғир уруш йилларида ҳукуматимизнинг кўп олимлар қатори унинг ҳам илмий ишига яхши умид билан қарагани, шароит яратиб бергани беҳуда кетмади...

Шундан кейинги ўн йил ичида олим бу кўз илғамас майда ҳайвонларнинг шолининг ривожига таъсирини ўрганиб чиқиш билан бирга уларни тутатиш йўлларини ҳам топди. У шолипояда балиқ боқиш лозим деган қарорга келди. Қаторасига бир неча йил шу усулни тажриба қилиб кўрди ҳам. Натижа унинг кутганидан ҳам аъло бўлиб чиқди. Балиқ учун шолипояларга кўз илғамас майда жониворлар жуда яхши озуқа экан. Ҳар йили бир гектарда ҳеч бир сарф-харажатларсиз икки юз килограммгача балиқ етиштирилди. Энг муҳими — шоли ҳосили гектарига 8 центнер кўтарилди. Бу энди олим очган катта кўриқлардан бири эди. Олим биология фанига янгича талқин ҳам берди. У энди ўсимликлар ва ҳайвонлар ҳаётини ўрганадиган фангина бўлиб қолмай уларнинг ҳаётини бошқарадиган фан ҳам эканлигини исботлади...

Олим 1954 йили кўп йиллик тадқиқотларини ниҳоясига етказди ва шу асосда докторлик диссертацияси ёқлади. СССР фанлар академиясининг Ленинграддаги Зоология институти илмий совети унга биология фанлари доктори деган илмий даража берди. 1960 йилда эса у профессор унвонини олди. Шу билан олимнинг ташвишлари тугагани йўқ. У педагоглик қилиш билан бирга катта илмий иш бошлаб юборди. Ўрта Осиёдаги катта-кичик сув ҳавзаларининг гидробиологиясини ўрганишга киришди. Ҳозир у ўз шогирдлари билан биргаликда ана шу ҳавзаларда балиқ кўпайтириш проблемаси устида иш олиб бораётир. У сув ҳавзаларидаги майда ҳайвонларни ўрганиш натижасида уларнинг келиб чиқиш ва тараққий топиши ҳақида биология фанига янги гипотеза киритди.

Биология фанлари доктори, профессор Авлиё Муҳаммадиев бир вақтлар дилига тукан тилаги ушалган кунда унинг олтмиш йиллик тўйи нишонланаётир. У ўзи босиб ўтган йўлдан ҳар қанча фахрланса арзийди. Фанга, халққа бунчалик самарали хизмат қилиш ҳар кимнинг қўлидан келавермайди. Биргина шолипояда балиқ боқиш билан шоли ҳосилининг кўтарилишидан қанча наф келмайди дейсиз. Бу — шолипояда балиқ боқиш — ҳар беш гектар ердан олти гектарнинг ҳосилини олиш деган гап. Агар шу усул қўлланилганда шоли ҳосили ўртача беш центнердан ошганда ҳам Ўзбекистоннинг ўзида қўшимча равишда ҳар йили неча ўн минг тонна шоли етиштириш мумкин бўлади! Бунинг устига, яна неча минг тонна балиқ етиштирилади. Бундан катта резерв бўлиши мумкинми?!

Олим эса янги ишга қўл урди. Янги ниятни дилига тугди. У гидробиология лабораторияси ташкил этиш ҳаракатида. Бу балиқларнинг асосий табиий озуқаларини кўпайтириш масаласини ҳал қилиш йўлида унинг биринчи қадами бўлади.

И. ШАМШАРОВ,
И. ТУХТАСИНОВ,
М. МАНСУРОВ.

Фарғона.

ЯНГИҚЎРҒОН ЧОРВАДОРЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Янгиқўрғон район чорвадорлари давлатга гўшт, тухум ва бошқа хил чорва маҳсулотлари етказиб бериш топшириқларини муддатидан анча олдин ортиғи билан адо этдилар.

Район чорвадорлари яна бир катта зафарни қўлга киритдилар. Сут етиштиришни кўпайтира бориб, давлатга 4530 ўрнига 4565 тонна серқаймоқ сут етказиб бердилар. Бу, ўтган йилнинг шу вақтидагига нисбатан 451 тонна кўпдир.

Бир қатор илғор хўжаликлар қорамоллар зотини яхшилаш ва хусусан соғин сигирлар зотини яхшилаш, улар туёғини узлуксиз кўпайтириб бориш ҳисобига сут соғиб олиш ва давлатга сотишни кўпайтирдилар. «Победа», «Шарқ юлдузи», Жданов номли, «Партия XXII съезди», Ленин номли, «Октябрь» колхозлари ҳамда «Зарқент» совхози шулар жумласидандир. Бу хўжаликлар шу кунларда 1967 йил ҳисобига сут топширмоқдалар.

Шу билан бир вақтда район чорвадорлари маҳсулот таннархини арзонлаштириш соҳасида ҳам яхши натижага эришдилар. Ўтган йили 1 центнер сут таннархи 17 сўм 35 тийинданга тўғри келган бўлса бу йил 15 сўм 47 тийинга камайтирилди.

«Савай» совхози коллективининг юбилей йилига катта туҳфалар билан бориш юзасидан бошлаган қимматли ташаббуси район чорвадорларини янада янги меҳнат зафарларига чорламоқда. Шу кунларда барча чорвачилик фермаларида савайликлар ташаббуси катта қизиқиш билан ўрганилмоқда ва шу асосда оширилган мажбуриятлар олинмоқда.

Район чорвадорлари йил охиригача яна энг камида 230 тонна сут соғиб олиш ва бунинг 210 тоннасини давлатга етказиб беришга қарор қилдилар.

С. ТУРҒУНОВ.

Фарғона газ аппаратлари заводи коллективи беш йиллигининг биринчи йилини муваффақиятли якунламоқда. Маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, сифатини оширишга рационализаторлар муносиб ҳисса қўшаётирлар. Суратда: корхонанинг энг яхши рационализаторларидан автоматларни созловчи М. Шмулевер ва техника бўлимининг бошлиғи В. Завалишин ўртоқлар.

Г. Бойко фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

ФАТХУЛЛА НОСИРОВ НОМЛИ ЗАВОДДА

РЕПОРТАЖ

Озода ва ёруғ хоналар. Гир-гир илиқ шабада эсади. Қўша-қўша машиналар тинимсиз гуриллайди. Тарновлардан оқаётган «оқ олтин» хамфаларга қуйилади. Чиғириқлар басма-басга айланади. Той-той толалар транспортёрга мингашиб, саф тортиб турган вагонлар сари йўл олади. Чигит чигитдонга тушади, момиқ ва чигит ортилган вагонлар, машиналар, тележкалар тўқимачилик корхоналари, ёғ заводларига ошиқади.

Завод директори Раҳматулла ака Жиянбоев, партия бюросининг секретари Анна Григорьевна Марченколар билан цех оралаб борамиз. Момиқни тойга, чигитни чигитдонга эпчиллик билан узатаётган биринчи машина ёнига келганда хомуш тўхтаб қолди, улар. Хайрон бўлдик. Кейинги хонага ўтганимиздагина бунинг сабабини айтишди.

— Бояги машинани, — деди Анна Григорьевна, — заводимиз унинг номи билан аталган марҳум Фатхулла Носирович ўз қўли билан ўрнатиб, ишга туширган эди. Шундан бери машина рўпарасига келганда тўхтамай ўтолмаймиз. Бу — марҳумга ҳурматимиз.

Ҳа, республика Министрлар Совети Раисининг собиқ ўринбосари, Ўзбекистон ССР енгил саноат министри Фатхулла Носирович Носиров ҳурматласа арзийдиган, эъзозласа ярашадиган киши эди. Талантли раҳбар, ишчан ташкилотчи, янгилиққа ихлосманд, техникага мухлис эди. Доим давлат манфаати, халқ бахт-саодатини ўйларди.

— У кишининг машина ишга туширилган кездаги қувончини кўрсангиз, — сўзини давом эттирди опа, — ўз қалбингизга эмас, бутун қоинотни нур қоплагандек севинди. «Вақти — соати билан ҳамма заводларимизда шундай забардест машиналар бўлади, албатта» дегани худди кечагидек эсимда.

Шундай бўлди ҳам. Янгийўл шаҳридаги Фатхулла Носиров номли пахта тозалаш заводигина эмас, республикамиздаги барча саноат корхоналари қўл меҳнатини енгиллаштирадиган, унумдорликни оширадиган, чиқиндига йўл қўймайдиган замонавий машиналар, асбоб-ускуналар, дастгоҳлар билан жиҳозланди.

— Ишлаб чиқариш планларини ойма-ой тўла ва ошириб бажаришимизнинг боиси шунда, — сўзини якунлади Анна Григорьевна, — 1966 йилнинг ўн бир ойлик топшириғи 106 процент адо этилди. Плондан ташқари 1600 тонна тола тайёрланди.

— Йиллиги қачон ўринланади? — сўрадик опадан — 20 декабрда бажарамиз деятмиз, қўшимча яна 800 тонна тола тайёрлаш ниятимиз ҳам йўқ эмас.

Цех оралашда давом этамиз. Сўнгги машина рўпарасига келганимизда директор гап қотди.

— Тўқсонта арраси бор, — чиғириққа ишора қилиб деди, — аввалгилари қўлда кўтарилиб тушиларди, буниси автомат усулида ишлайди. Ишчи кучи, маблағ тежашдан ташқари, меҳнат унумдорлигини уч-тўрт баравар оширади. Фатхулла ака шуни орзу қиларди. Мана, орзуси ушалди.

Линтер пахта цехига ўтдик. Линтер деганда чиқинди, паст сорт пахтани кўз олдимизга келтирардик.

— Илгари шундай эди, фикримизни маъқуллади Анна Григорьевна, — бир куни заводимизга Фатхулла Носирович келди. Линтер пахтани кўриб қаттиқ ранжиди. Ҳақиқатда линтер эмас, увада эди. Мутахассислар тажрибакорларни ёнига олиб, унинг сортини яхшилайдиган машина яратишга киришди. Меҳнат зое кетмади. Хайрли иш рўёбга чиқди. Ҳозир ўша машинадан олинаётган линтер оппоқ момиққа ўхшайди. Аввалги линтер пахта кўрпа — тушакдан бошқасига ярамасди. Ҳозиргисидан штапель тўқиляпти.

— Фатхулла ака тўғрисида гап очилиб қолди, — сухбатни давом эттирди директор, — мен ҳам қалбимдан абадий жой олган бир воқеани айтиб берай. Ўша кезда Алимкентда ишлардим. Кунларнинг бирида заводимизга Фатхулла Носирович келди. Одамлар билан сўрашди, бола-чақаларимизнинг соғлиғини суриштирди. Ишчилар, мастерлар билан аския айтишиб кулишди. Цехларни айланди. Кабинетга кираётганида икки машинадаги намлиги учун қайтарилган пахтани кўриб қолди.

— Деҳқонлар пешана тери билан етиштириб сизга юборса-ю, қабул қилмай қайтарсангиз, бу нонтепкиликку, ўртоқ директор, деди. Мен пахта намлиги, давлат стандартига тўғри келмаслигини айтганимда, бу нуқсоннинг такрорланишига йўл қўймаслик чорасини кўриш зарурлигини уқтирди. — Деҳқоннинг пахтасини қабул қилмасангиз, — деди, — қаттиқ хафа бўладн, ранжийди. Бунинг устига бир иш икки бўлади, ўринсиз сарф-харажат кўпаяди.

Шундан кейин Фатхулла Носировичнинг ташаббуси билан заводлар ва пунктларда давлатга, пахтакор хўжаликларга жуда катта иқтисодий фойда келтирадиган қуритиш цехлари қурилди. Нам пахта шу жойда қуритиладиган бўлди. Қабул пунктларига тунги чироқлар ўрнатишнинг ташаббускори ҳам Фатхулла ака эди. Шу муносабат билан бир воқеа эсимизга тушди. Хизмат нуқтаи назаридан бир куни кечаси соат ўн иккиларда Янгийўлдаги пахта пунктларидан бирига бордик. Кексароқ шофер машинада келтирган пахта тунги чироқ ёруғида дарҳол қабул қилинди. У накладнойни олгач, севинганидан «Шу чироқни ёққанларнинг чироғи ёнсин». — деди. Бу марҳум Фатхулла ака шаънига айтилган миннатдорчилик сўзи эди.

Завод даргоҳида жуда кўп ишчилар, мутахассислар билан учрашдик. Уларнинг дилида ҳам, тилида ҳам марҳум министрнинг номи.

— У киши заводимизга ҳар келганида бир из қолдириб кетарди, — ҳикоя килади кекса слесарь Исҳоқ Рисқулов, — ширин сўзи билан ҳам, амалий иши билан ҳам одамларда меҳнатга меҳр-муҳаббат, қизиқиш уйғотарди. Шу сабабли ҳаммамиз уни яхши кўрардик, ҳурматлардик. Бир келганида машинада терилган пахтани тозалайдиган агрегат ҳам чиқарилса керак, деб сўрадим. Албатта чиқарилади, деди министр қатъий ишонч билан. Ҳозир заводимизда ўн иккита шунақа машина ишлаб турибди. Машина бўлганда ҳам қанақаси деҳқ, колхозлар бир кунда гопширган пахтани уч-тўрт соатда сарасини сарага, пучагини пучакка ажратиб беради.

Свердлов, «Ҳалқобод» пахта пунктларининг ходимлари Аҳмад Султонов, Халил Қозоқбоев, токарь Прокович Слезов, ишчи Юсуф ака Турсуновлар ҳам марҳум билан бирга ишлаганини фахрланиб гапирди. У «қадрдон дўст, меҳрибон ўртоқ, гамхўр киши эди» деди. Завод бош инженери Қобилжон Содиқов, касаба союз маҳаллий комитетининг раиси Эргаш Раҳимбердиев марҳум министрнинг кўмаги туфайли олий маълумотли бўлганини, унинг номини абадий ёдда сақлашини айтди.

Заводда Совет ҳокимиятининг 50 йиллик тўйи, Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини меҳнатда муносиб совғалар билан кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақа тобора авж оляпти. Бунга цехларни айланганимизда, ишчилар билан сухбатда билдик. Завод даргоҳига қадам қўйган кезимиздан тортиб қайтиб чиққунимизча ўзбек халқининг содиқ фарзанди Фатхулла ака Носиров биз билан ҳамроҳ бўлиб юргандек туюлди.

Ҳа, яхши кишилар мангу ҳаёт қолади!...

М. НАЗАРОВ.
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

БУХОРО ЯНГИЛИКЛАРИ

АВТОМАТНИНГ НИГОҲИ ЧЎЛДА

«Газлинефтегаз» бошқармасининг ижоднор коллективи чўллардаги газ кони қудуқларини Иттифоқимизда биринчи бўлиб, телеавтоматлар воситаси билан бошқаришни ўзлаштирдилар. Шу кунларда Газлидаги телеавтомат пульти орқали узоқ масофалардаги 100 га яқин объектлар бошқарилляпти.

Улуғ Октябрнинг шонли 50 йиллигиа шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаётган «Газлинефтегаз» бошқармасининг ихтирочи ва рационализаторлари ишлаб чиқаришни автоматлар воситасида бошқаришга ўтиш туфайли ҳар ойда давлатнинг 12-15 минг сўм маблағини тежаб қолишга эришмоқдалар.

ЯНГИ БУЛОҚЛАР

Мингбулоқдаги марказий Қизилқум экспедициясининг аҳил коллективи чўлларда янги ичимли сув булоқларини топиш ва ишга туширишда катта маҳорат кўрсатмоқдалар. Экспедициянинг К. Исмоилов, Н. Козлов ўртоқлар бошлиқ пармаловчилар бригадасининг аъзоматлари йиллик пландан ташқари қарийб 3 минг метрдан зиёд қудуқларни пармаладилар. Қўшимча равишда 7 та артезиан қудуқлар фойдаланишга топширилди. Бу билан 500 мингдан ортиқ қўйларни қишдан соғлом ва семиз олиб чиқиш имконияти туғилди.

Экспедиция коллективи чўпончўлиқлар билан ҳамкорликда ишлаб, ҳозиргача 100 минг сўмлик давлат маблағини тежашга муваффақ бўлдилар.

Т. НАЗИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

АХЛОҚ-ТАРБИЯ МАВЗУИДА

УЯСИДА КЎРГАНИ...

Совет Ўзбекистони — ГАЗЕТХОНЛАР ДАВРАСИДА

Халқимизда: «Болани ёшдан асра, ниҳолни бошдан асра» деган ҳикматли сўз бор. Бу бежиз айтилмаган. Фарзандларига тарбия беришда худди шу гапга амал қиладиган ота-оналаримиз сонисаноқсиз. Улар ўз ўғил-қизларини доимо тўғрилиққа, одобли бўлишга, кишиларни ҳурмат қилишга ўргатадилар. Афсуски, ҳамма оиларда ҳам худди шундай бўлавермайди. Агар Сабоҳат Аҳрамова ана шундай мўътабар оналаримиз қаторида бўлса эди, биз ушбу сатрларни ёзиб ҳам ўтирмас эдик. Афсуски, Сабоҳат Аҳрамова ўз оналик бурчини яхши бажармаяпти. Болаларнинг устибошига қараш, уларга ақл ўргатиш, уларни тўғри йўлга солиш ўрнига кичик болаларни эрғаштириб кўча-кўйда чайқовчилик қилиб юради.

Бундан икки йилча аввал Раббим Хуррамов деган йигитча ўғирлик устида устма-уст икки марта қўлга тушди-ю, тегишли жазосини олди. Орадан кўп вақт ўтмасдан Толиб Хуррамов, Аҳмад Сувонов деган ёш йигитчаларнинг хатти-ҳаракатлари ҳам жамоатчиликнинг кўзига ташланиб қолди. Маълум бўлишича, иккала ўсмир ҳам ўша — икки йил олдин қўлга тушган Раббим Хуррамовнинг укаларн экан.

Хўш, нима учун бир оилада ўсган уч ўғилнинг ҳаммаси қийғир йўлларга кириб кетяпти? Воқеадан хабардор бўлган ҳар бир киши ўз-ўзига шундай савол бериши мумкин.

Хуррамовлар оиласи Самарқанд шаҳар, Вобкент кўчасидаги 96-уйда истиқомат килади, Оила бошлиғи Хуррам Сувонов бир неча йилдан бери ҳеч қаерда ишламайди. Эртадан-кечгача бозор кезиб юриши, арзон-гаровга мол олиб, қимматга сотиши, яъни мутасил чайқовчилик билан шуғулланиб келаётганини унинг ўзи ҳам тан олади. Бошқача қилиб айтганда, Хуррам Сувоновнинг ўзи куппа-кундуз куни одамларнинг чўнтагига тушади. Чунки чайқовчилик билан ўғрилик бир-бирига эгизак-да!

Хуррам Сувоновнинг хаёли одамларни қандай алдаш, бир сўмни нима қилиб икки сўмга айлантириш фикри билан банд экан, болаларнинг онаси қаёқда? Ахир Сабоҳат Аҳрамова бирор жойда ишламайди, фойдали меҳнат билан шуғулланмайди-ку? Мана шу нарсага Вобкент кўчасида турувчилар ҳам ҳайрон.

Қисқаси, Хуррам Сувоновлар оиласида ҳеч ким ишламайди, бутун оила текинхўрлик билан кун кечиради. Ҳамма иллат ана шунда!

Худди шундай пайтда беихтиёр Ҳамза Ҳакимода Ниёзийнинг «Боланинг ёмон бўлмогига сабабчи бўлган онанинг жазоси» сарлавҳали шеъри ёдга тушади. Мабодо боласининг қўлига бегона одамнинг бирор нарсаси илиниб қолса, яхши ота-она: «Қани, дарров олган жойингга олтиб кўй!», «Ҳозироқ эгасига обориб бер!» дейди.

Таниқли педагогларимиз таъкидлаганларидек, ўсаётган бола оилада доимо ўзидан катталарга, хусусан ота-онага тақлид қилади. Боладаги ижобий хислатлар ҳам, салбий хислатлар ҳам асосан ота-онадан, акалари ва опаларидан ўтади. Бошқача қилиб айтганда, қуш уясида кўрганини қилади.

О. ҲУСАНОВ.

бутун бўйи ҳамда эни бўйича бир вақтда суғориш имконини беради. Бунда меҳнат унумдорлиги икки ва ундан ортиқ баравар ошади, ўқ арикларга барҳам берилиши ҳисобига сувнинг исроф бўлиши ўн процент камаяди.

Ҳозирги вақтда республикадаги ер ости сувлари юза жойлашган айрим совхозлар ва колхозларда эгат орқали сув қўйиш машина ёрдамида сунъий ёмғир ёғдириш усули билан алмаштирилмоқда. Бунда ҳосилдорликнинг муттасил равишда кўтарилишига, суғоришда меҳнат унумдорлигининг ошишига, сув сарфининг икки баравар камайишига эришилади. «Пахтаорол» совхозида экиннинг 90 процентн сунъий ёмғир ёғдириш усули билан суғорилмоқда. Бу метод хўжаликда прогрессив ва тежамли метод сифатида ўзини кўрсатди.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда қишлоқ хўжалик экинларини суғориш учун яроқли бўлган ер ости сувларининг анчагина запаслари аниқланди. Кўп миқдорда артезиан қудуқлари кавланди ва ишлатилмоқда. Ер ости сувларидан фойдаланиш аҳамияти кам бўлмаган бошқа вазифани — мелиоратив ҳолати яхши бўлмаган районларда ер ости сувларининг сатҳини пастга тушириш вазифасини ҳам ҳал қилишга ёрдам бермоқда.

Суғориладиган ерлардан ва сувдан фойдаланишга яхши муносабатда бўлиш пахта ва бошқа экинларнинг ялпи ҳосилини оширишнинг муҳим резервидир. Тошкент областидаги «Политотдел» колхозининг тажрибаси бунинг ёрқин мисоли бўла олади. Бу илғор хўжалик бундан уч йил илгари ўз составига қўшни қолоқ колхозни қўшиб олди. Ана шу колхознинг ерларидан олинадиган пахта ҳосили гектар бошига 22 центнердан ошмасди. Тажрибали раҳбар Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Г. Хван бошчилигидаги политотделчилар суғориш тармоқларини реконструкция қилиш ва янги участка ерларини текислашга қатъият билан киришдилар. Мана, уч йил ичидаёқ яхши ҳолга келтирилган майдонинг (1000 гектар) ҳар гектаридан колхоз 36-37 центнердан юқори сифатли пахта териб олмоқда. Сарфланган капитал маблағларнинг фақат ўрни қопланибгина қолмасдан, балки хўжаликка кўп миқдорда қўшимча даромад ҳам келтирди.

Ернинг шўрланиши суғориладиган деҳқончиликнинг кескин проблемаси бўлиб қолмоқда. Фан шуни аниқлаганки, турли даражада шўрланган гупроқда пахтанинг ҳосилдорлиги гектар бошига 10 процентдан 50 процентгача камайиб кетади. Республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ерларни соғломлаштириш учун кураш олиб бормоқдалар. Янги беш йилликда 500 минг гектар майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланиши зарур. Бу вазифа ернинг шўрини сифатли ювиш, мавжуд коллектор-зовур тармоқларини кенгайтириш ва реконструкция қилиш ҳамда янги очиқ ва ёпиқ коллектор-зовурлар ҳамда вертикал зовурлар қуриш йўли билан ҳал қилинади.

Пахта ва бошқа экинлар ҳосил етиштиришни янада кўпайтиришнинг тагин бир резерви — янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига экин майдонларини кенгайтиришдан иборатдир. Беш йилликда республикада камида 500 минг гектар ер ўзлаштирилади ва фойдаланишга топширилади. Мирзачўлда, Қарши даштида ва Сурхон—Шеробод водийсида, марказий Фарғонада ҳамда Амударёнинг қуйи оқимида пахтачиликнинг йирик районлари вужудга келтирилади. Янги ерларнинг йирик массивларини ўзлаштириш принципиал янги асосда амалга оширилади: агар илгари тайёрланган ерлар одатда мавжуд колхоз ва совхозларга берилган бўлса, эндиликда ана шу массивларда пахта, шоли ва бошқа экинлар экувчи ҳамда ишлаб чиқариш, уй-жой ва маданий-маиший объектларнинг барча комплексига эга бўлган совхозлар барпо этилмоқда.

Мирзачўлдаги янги ерларни ўзлаштириш ишининг тажрибаси суғориш ва ўзлаштириш соҳасидаги қурилиш ишларининг бутун комплексини ягона қурилиш ташкилотининг кучи билан бажариш зарурлигини ишончли равишда тасдиқламоқда. Ҳозирги вақтда Қарши чўлида, Сурхон—Шеробод водийсида, Амударёнинг қуйи оқимида, келгусида эса республиканинг бошқа районларида ишни ана шу асосда олиб бориш назарда тутилмоқда.

Биз суғориладиган ерларда пахта ва бошқа экинлар ялпи ҳосилини бирмунча кўпайтиришга, ҳосилдорлигини муттасил равишда ошириб боришга суғориладиган ерлардан янада яхшироқ фойдаланиш ҳисобига эришамиз ва эришмоғимиз лозим. Гап деҳқончилик маданиятини ошириш ҳақида бораётир. Кейинги йилларда алмашлаб экишга нотўғри муносабатда бўлинганлиги сабабли бедазорлар майдони кескин равишда камайиб кетди, пахтани бошқа экинлар билан алмашлаб экиш тартиби бузилди. Республиканинг бир қатор районларида ғўзанинг вильт касаллиги билан зарарланиши кенг тарқалди. Вильтга қарши қурашнинг химиявий воситалари ҳали топилгани йўқ. Ҳозирча пахта — беда алмашлаб экишни жорий этиш усули жонга оро кирмоқда.

Алмашлаб экишнинг таъсири тез эмас, балки 3-4 йилдан кейин кўриниши, пахтанинг ялпи ҳосили эса камаймаслиги зарурлиги муносабати билан пахта етиштириш учун янги майдонларни фойдаланиш, мавжуд суғорилаётган ерларда ҳосилдорликни ошириш керак. Минерал ўғитлар нормасини кўпайтириш пахта ҳосилдорлигини оширишнинг энг муҳим факторларидан биридир. Шундай бўлгани ҳолда келгуси йил учун республикага бериладиган минерал ўғитлар миқдорини кўпайтириш у ёқда турсин, ҳатто 1966 йилдагига нисбатан камайтириш планлаштирилмоқда. Биз Госплан ва иттифоқ Қишлоқ хўжалик министрлиги Ўзбекистонининг минерал ўғитларга бўлган эҳтиёжини синчиклаб қараб чиқишлари ва уни тўла қондириш юзасидан барча зарур чораларни кўришларига ишонамиз.

Пахтачиликни янада юксалтириш билан боғлиқ бўлган бошқа масалалар ҳам бор. Маълумки, бу тармоқ техника билан тўла таъминланишни талаб этади. Механизацияннинг ҳозирги эришилган даражасида ҳар 35-40 гектар ерга осиб ишлатиладиган машиналарнинг тўла комплексига эга бўлган битта чопиқ трактори ва 70-80 гектар ерга зарур миқдордаги асбоблари бўлган битта ҳайдов трактори талаб этилади. Ўрта ҳисобда юз гектар суғориладиган ерга тўғри келадиган қишлоқ хўжалик техникасининг қиймати 80-90 минг сўмга тенгдир. Бундай шароитда қишлоқ хўжалик машиналарининг мавжуд баҳоси маҳсулотнинг таннархида жуда катта ҳиссани ташкил этади. Иттифоқ планлаштирувчи ва таъминловчи органлари, министрликлар ва бошқармалар ҳаёт томонидан қўйилган масалаларни оператив тарзда ҳал қилишлари талаб этилади.

Пахта тозалаш саноатини қайта жиҳозлаш ва улнинг ишини яхшилаш проблемаси жуда муҳим аҳамиятга эга. Кейинги йилларнинг тажрибаси шуни кўрсатдики, пахта тозалаш саноати (пахтани ҳам унинг ўзи қабул қилиб олади) ўз тараққиёти жиҳатидан пахта етиштиришнинг ўсиб бораётган суръатидан ҳамда ҳосилни машинада теришдаражаси тез ўсганлиги муносабати билан пахтани қабул қилиб олиш ва қайта ишлашнинг янги шароитидан орқада қолди.

Сув хўжалиги қурилишининг ҳам ўзига хос қийинчиликлари бор. Масалан, йирик сув хўжалиги объектлари қурилишини пул билан таъминлаш халқ хўжалигининг турли тармоқлари бўйича амалга оширилаётганлигини нормал ҳол деб бўлмайди. Ахир, одатда йирик сув хўжалиги иншоотлари қурилиши, янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш аҳоли яшайдиган пунктлар ва шаҳарлардан анча узоқда бўлган дашт ерларда амалга оширилади. Табиийки, ишларни белгиланган муддатда бажариш учун доимоداставвал уй-жой фонди, мактаблар, касалхоналар, болалар муассасаларни ва савдо бинолари қуриш, назарда тутилади. Шундай бўлгани ҳолда ана шу мақсадлар учун пул билан таъминлашнинг ҳозирги системасида маблағ чегараланган миқдорда ажратилмоқда. Биз йирик сув хўжалиги объектлари қурилишида уларни ягона мажбадан — ишлаб чиқариш қурилишига маблағ ажратадиган тармоқ ҳисобидан пул билан таъминлашга ўтиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Сув хўжалиги қурилиши ташкилотлари машиналарнинг катта парки, энергетика ускуналари билан таъминлангай, кўп миқдорда норуда материаллар ва махсус темир-бетон конструкцияларини ишлатади. Бу ташкилотлар ўзларининг ремонт корхоналарига, йирма темир-бетон зовур трубалари ишлаб чиқарувчи заводларига, норуда материаллар карьерларига эга бўлишлари керак. Бироқ, амалда республика сув хўжалиги қурилиши ташкилотларининг ремонт корхоналари капитал ремонтга бўлган эҳтиёжнинг учдан бир қисмини таъминлайди, йирма бетон заводлари ва қурилиш материаллари ҳамда қурилиш индустриясининг бошқа корхоналари етишмайди.

КПСС Марказий Комитети май Пленуми қарорларини амалга ошириш учун сув хўжалиги ташкилотларининг ишлаб чиқариш базасини ривожлантириш юзасидан кескин чоралар кўриш талаб этилади. Ҳозирча бизнинг қурилиш ташкилотларимиз ишларни комплекс-механизациялаш учун зарур бўлган бир қатор машиналар билан яхши таъминланмаган. Кўтарма-транспорт машиналари, сувни чиқариб юборадиган воситалар, махсус автомобиллар етишмайди. Ҳанузгача хўжалик ичидаги ариқ ва зовурларни тозалаш учун, каналларда ва коллекторларда ўсадиган ўтларни йўқотиш учун қўлланиладиган яхши машиналар йўқ.

Суғориладиган деҳқончилик зонаси ходимларини ташвишлантираётган масалаларнинг ҳаммасига тўхталиб ўтишнинг имконияти йўқ. Бироқ ана шу масалалар СССР Госпланига, СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига маълум. Биз ана шу масалаларнинг ҳал этилиши кўп жиҳатдан республика ташкилотларига ҳам боғлиқлигини тушунамиз. Асосий масала сув хўжалиги ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидаги барча камчиликларни тезроқ бартараф этишдан иборат.

(«СЕЛЬСКАЯ ЖИЗНЬ», 13 декабрь, 1966 йил).

Планетамизда

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИДА

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). Хавфсизлик Кенгаши 13 декабрда Жанубий Родезия масаласини муҳокама қилишни давом эттирди.

Мали, Нигерия ва Уганда вакиллари Англиянинг резолюция лойиҳасига биргаликда киритилган тузатишларни асослаб бериш мақсадида сўзга чиқдилар. Улар бу тузатишларни Африкадаги мамлакатлар группаси номидан тақдим этган эдилар. Африкадаги мустақил мамлакатларнинг вакиллари бу лойиҳа Смит қўл остидаги ирқчилар режими учун катта имкониятлар очиб берганлигини ва Англия томонидан тақдим этилаётган ва чекланган иқтисодий чораларнинг барбод этилишига сабаб бўлажагини яққол исбот қилдилар.

Африкадаги уч давлатнинг тузатишлари Жанубий Родезияга қарши чоралар системасидаги барча нуқсонларни йўқотишни ва бу чораларнинг таъсирчан бўлишини таъминлашни кўзда тутади.

Хавфсизлик Кенгашининг Жанубий Родезия масаласи юзасидан ўтказилган мажлисида Ҳиндистон ва Замбия вакиллари сўзга чиқдилар. Элчи Партхасаратхи (Ҳиндистон) куч ишлатиш Смит қўл остидаги ирқчилар режимини тугатишнинг бирдан-бир самарали воситасидир, деган фикрни изҳор қилди.

Чехословакия, Бирма, Руминия, Польша, Венгрия, Ироқ, Албания, Сурия вакиллари Корея масаласини муҳокама қила бошлаган биринчи комитетнинг ишида қатнашиш учун Корея Халқ Демократик Республикаси вакилини дарҳол ва сўзсиз таклиф этиш кераклигини айтдилар.

Бу мамлакатларнинг делегатлари ўн давлат (Болгария, Венгрия, Гвинея, Камбоджа, Конго, Браззавиль, Мавритания, Мали, Монголия, Танзания, Югославия) резолюция лойиҳасини тамомила қўллаб-қувватладилар. Резолюция лойиҳасида айтилишича, бевосита манфаатдор бўлган томонларнинг иштирокисиз Корея масаласини самарали ҳал этиш мумкин эмас. Лойиҳа Корея масаласини муҳокама қилишда қатнашиш учун Корея Халқ Демократик Республикаси ва Жанубий Корея вакилларини таклиф этишга даъват қилади.

Аммо, Америка делегацияси ўзига мақбул бўлган резолюцияни ўтказишга муваффақ бўлди.

Америка резолюцияси Корея Халқ Демократик Республикасидан Кореянинг ички ишларига ташқаридан аралашиш ҳуқуқини эътироф этишни талаб қилади. Бу резолюция Корея Халқ Демократик Республикасини Бирлашган Миллатлар Ташкилотида Корея проблемаларини ҳал этишга таллаклик масалаларни муҳокама қилишда қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум қилади.

Совет вакили Н. Т. Федоренко ўз нутқида бундай деди: «АҚШнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставига зид бўлган камситиш йўлини тутганлиги натижасида Бош Ассамблеянинг бу сессиясида бевосита манфаатдор бўлган томонлари — Корея Халқ Демократик Республикаси билан Жанубий Кореяни таклиф этиш тўғрисида ижобий қарор қабул қилинмади».

Бирлашган Миллатлар Ташкилотида аъзо бўлган барча давлатларнинг бурчи, — деди Совет Иттифоқи вакили, — корейс халқининг миллий орзуларини тезроқ амалга оширишга кўмаклашишдан ва Узоқ Шарқда ҳамда Осиёда тинчлик ва хавфсизликнинг сақланишига ёрдам беришдан иборат. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг байроғи остида ёки бошқа бирон шаклда Жанубий Кореяни оккупация қилиб турган Америкининг ҳамма қўшинларини ва бошқа чет эл қўшинларини яқин вақт ичида (ярим йил ичида) қуролларни ва анжомлари билан олиб чиқиб кетиш, «Кореяни бирлаштириш ва тиклаш бўйича БМТ комиссияси»ни дарҳол тарқатиб юбориш ва Корея масаласи деб аталган масалани Бирлашган Миллатлар Ташкилотида муҳокама қилишни тўхтатиш ана шу мақсадларга мувофиқ бўлур эди.

Бугун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеясида мустамлакачилар ва уларнинг империалистик гумаштали кескин қораланди. Монголия, Болгария, Белоруссия ССР, Покистон ва бошқа баъзи мамлакатларнинг вакиллари «Мустамлака мамлакатлар ва халқларига мустақиллик бериш тўғрисидаги декларацияни амалга ошириш» масаласи муҳокама қилинган вақтда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳозирги пайтдаги вазифаси халқларнинг мустамлакачилик асоратидан узил-кесил халос бўлишларига ёрдам беришдан иборат деб таъкидладилар.

Бош Ассамблея мустамлакачиликни инсониятга қарши жиноят деб ҳисоблади ва мустамлакачилар ҳукмронлигида бўлган халқлар олиб бораётган курашни ҳаққоний кураш деб топди. Бош Ассамблея барча давлатларни мустамлака территорияларидаги миллий озодлик ҳаракатларига моддий ва маънавий ёрдам беришга чақирди.

Бош Ассамблея қабул қилган резолюция мустамлакачи давлатларга мурожаат қилиб, уларни қарам территориялардаги ҳарбий базалар ва установкаларни тугатишга чақиради. Мустамлакачилар резолюциянинг ана шу моддасини олиб ташлаш учун бир неча бор уриниб кўрдилар. Масалан, АҚШ делегацияси Бош Ассамблея бу моддани овозларнинг учдан икки қисми билан қабул қилсин, деб талаб этди. Ана шу найранглар овозларнинг гоят кўпчилиги билан рад этилди.



КАНАДА. Келгуси йил баҳорда Монреалда очиладиган «ЭКСПО-67» Жаҳон виставкасида 70 мамлакат қатнашади. Совет Иттифоқининг жуда гўзал павильони баландлиги 42 метрга етади. Бу ерда мамлакатимиз ўзининг бутун бойликларини намойиш қилади. Виставкада фабрикалар, заводлар, электр станцияларининг моделлари ва манетлари, нўёб металлар ва нодир тошларнинг намуналари кўрсатилади. Космосни ўзлаштиришга бағишланган экспозициялар жуда ҳам қизиқарли бўлади. Суратда: СССРнинг Монреалдаги Жаҳон виставкасида қурилаётган павильонининг умумий кўриниши.

Ю. Королев фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

ГРЕЦИЯ. Афинадаги парламент майдони. Аджерпресс—ТАСС фотоси.

МАДАНИЙ АЛОҚАЛАР МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

ТОКИО, 14 декабрь. ТАСС мухбири Г. Гавриленко хабар беради: Бугун Япония пойтахтида Япон ва Совет ташкилотлари ўртасида 1967 йилда маданият соҳасидаги алоқалар тўғрисидаги программа ва протокол имзоланди.

Маданий алоқа программаси Токиода Совет давлатининг 50 йиллигига бағишланган «СССРда социализм қурилиши» виставкаларини ташкил этишни, маданият арбоблари делегацияларини айирбошлашни, Совет бадиий ва спорт коллективларининг Япония ролларига боришини, илмий делегациялар ва нашриёт ходимлари делегацияларини, кинофильмлар, фотовиставкалар, пластинкалар, ноталар ва ҳоказоларни айирбошлашни кўзда тутади.

Маданият соҳасидаги алоқалар юзасидан программа ва протоколда белгиланган тадбирлар япон ва совет халқлари ўртасидаги дўстона алоқаларни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга ёрдам беради.

ШАХМАТ ОЛАМИДА

7000 ТАХТАДА БИР ЙЎЛА ЎЙИН

Шахматчилар жаҳон команда биринчиликларини — олимпиадаларини севадилар. Буларни чиннакам шахмат байрами деса бўлади. Энг кучли команда — жаҳон чемпионини аниқлаш учун икки йилда бир марта ҳамма мамлакатларнинг зўр шахматчилари тўпланадилар.

Энг муҳими, бу тантанали анжуманда бутун дунёдаги шахматчилар бир-бирлари билан учрашадилар, бу ерда алоқалар, дўстлик янада мустаҳкамланади, келажак учун катта режалар тузилади.

Бу жиҳатдан бир ойча муқаддам якунланган охирги олимпиада ҳаммасидан ҳам ўтиб тушди. Кубалик жонкулар ажойиб ташкилотчилар шахмат оламида ўзига яраша рекорд қўйдилар.

Жаҳон XVII олимпиадаси тугашига икки кун қолган эди. Гаванадаги кўп минг кишилик митинглар, ҳарбий парад ва намойишлар ўтказиладиган кенг революция майдони ақл-идрок жанги суворийлари ва оддий «аскар»лари билан лиқ тўлди. Етти мингта шахмат тахтасида бир йўла ўйинлар бошланди. Буни уч юздан ортиқ олимпиада иштирокчилари — гроссмейстер ва мастерлар бошқардилар. Уларнинг орасида Куба революцион партияси Марказий Комитети, революцион ҳукумати раҳбарлари ҳам бор эдилар. Фидель Кастро жаҳон чемпиони Тигран Петросян билан ўйнади. Бу ўйин дуранг билан тугагач, Фидель Кастро рақибига қараб:

— Сиз ажойиб шахматчигина бўлиб қолмай, зўр дипломат ҳам экансиз, — деб қўйди.

Жаҳон чемпиони жўрттага шундай қилган деб бўлмайди, негаки бу машҳур кишининг ўйин назариясидан хабардор, дурустгина амалий шахматчи эканини кўпчилик билади. Қадимий ақл-идрок ўйини, инсон маданиятининг ажралмас бир бўлаги — шахматга бўлган ҳурмат, эътибор шунчалик-да! Кубалик гениаль шахматчи Хосе Рауль Капабланка туғилган кунда ўтказилган навбатдаги тантанани минг-минглаб гаваналиклар зўр қизиқиш билан томоша қилдилар.

МАМЛАКАТ ЧЕМПИОНИ КИМ БЎЛАРКИН?

Киевда аёллар ўртасида давом этаётган навбатдаги СССР биринчилиги охирлай деб қолди. Собиқ жаҳон чемпиони Елизавета Бикова, тажрибали мастерлардан Нина Войцик, Вера Тихомирова, Татьяна Затуловская ва бошқалар қатори кўплаб ёш шахматчилар чемпионлик учун кураш бошлаган эдилар. Пешқадамлар группасида ҳозир ёшлар кўпчилик. Жаҳон чемпиони Нона Гаприндашвилининг ҳамшаҳари Нана Александрия айниқса яхши ўйнамоқда. Атиги бирнеча йил муқаддам мусобақаларга отаси ё онаси бирга етаклаб борган бу қиз эндиликда кўпни кўрганларга «сўз бермай», катта унвонга таҳдид солиб турибди. Нананинг яқин орада иккинчи пешқадам — халқаро мастер Затуловская билан бўладиган учрашуви олтин медаль тақдирини ҳал қилса керак. Бошқа спорт турлари қатори шахматда — ҳам ёши улуғлар орқада қоладиган вақт яқинлашаётганга ўхшайди.

М. МУҲИТДИНОВ,
СССР спорт мастери.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО
БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Ўзбек халқ куйлари, 9.30 — Симфоник поэма, 9.45 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун (тожк.), 10.10 — Штраус вальслари, 10.30 — Қўшиқлар, 11.10 — Элга хизмат—олий ҳиммат, 11.30 — Куйлар, 12.15 — Спорт (рус.), 12.30 — Концерт (халқ талантлари), 13.30 — Концерт (фортепьяно ва оркестр учун), 16.15 — Тошкент давлат медицина институти студентлари ҳузурида, 17.20 — Уйғур куйлари, 18.10 — Қўшиқлар, 18.30 — Фонотекамиз хазинаси, 19.20 — Озарбайжон артистлари куйлайди, 20.00 — «Октябрь» радиостанцияси, 20.30 — Ўзбек классик куйлари, 21.20 — Концерт (қишлоқ хўжалиқ ходимлари учун), 22.10 — Рақсга марҳамат, 23.10 — Концерт.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ
БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 17.00 — **Тенгдошлар** (мактаб ўқувчилари учун), 17.35 — **Телевизион янгиликлар**, 17.50 — **Халқ хофизлари**, 18.45 — **Оталар сўзи — ақлнинг кўзи**. 19.35 — **Телевизион янгиликлар** (рус тилида).

19.50 — **Эртаги кун программаси**.

20.00 дан — **Москва кўрсатади**.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 17.00 — **Цирк майдонида биринчи марта** (болалар учун мультфильм), 17.15 — **Норвегия традициялари** (ҳужжатли фильм), 17.25 — **Ўзбекистон рассомлари Улуғ Октябрнинг 50 йиллигига**, 18.00 — **Балдан сўнг** (телефильм), 18.35 — **Тошкент янгиликлари**, 18.45 — **Голубой огонёк**.

Ўзбек тилида: 19.45 — **Яшарган ўрмон** (ҳужжатли фильм), 20.05 — **Концерт**, 20.35 — **Тошкент янгиликлари**, 20.45 — **Фавқулодда топшириқ** (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 17/XII да **Демон**, 18/XII да **Семург**.

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 17/XII да **Сарвқомат дилбарим**, 18/XII да **Қотил**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 17/XII да **Махтумқули**, 18/XII да кундуз **Бағри тош**, кечқурун **Нурхон**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Йиртқич ҳайвонларни ўргатувчи **Иван Рубан**, ўзбек цирк коллективи ва қизиқчилар группаси.

Улан-Удэдаги
ЯККА БУЮРТМА КИЙИМ ТИКИШ ФАБРИКАСИ
«ЗИС-110» маркали комфортабель енгил автомашинани
«ГАЗ-69» ЕНГИЛ АВТОМАШИНАСИГА АЛМАШАДИ.
Мурожаат учун адрес: Бурят АССР, Улан-Удэ шаҳри, Профсоюзная кўчаси, 15-уй.

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА
район кассирлари (ишбайға), саҳна ишчилари, дурадгорлар, инженер-электрик, саҳна машинисти, электр ёритувчилар, декоратор-рассомлар, ёрдамчи ишчилар
КЕРАК
Театрнинг кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР:

1966 йил 26 декабрь кундуз соат 2 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси биология фанлари бўлимининг зоология профили бўйича бирлашган илмий совети мажлисида (Гоголь кўчаси, 70-уй, Фанлар академиясининг конференц-зали) биология фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун

Д. Д. Шарипова «Турли температура шароитида организмдаги сув-туз алмашинувини бошқаришда ичакнинг иштироки» деган темада.

Н. Эргашев «Ўзбекистоннинг чирилдоқ ҳашаротлари (уларнинг тури, биологияси, экологияси, зарарлилиги ва кураш чоралари)» деган темада.

Диссертациялар билан Фанлар академия кутубхонасида танишиш мумкин (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй).

1966 йил 28 декабрь кундуз соат 2 да Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг (Гоголь кўчаси, 70-уй, конференц-зал) фалсафа, иқтисод ва ҳуқуқ фанлари бўлимининг иқтисод бўйича бирлашган илмий совети мажлисида иқтисод фанлари доктори деган илмий даражани олиш учун:

С. К. Зиёдуллаев «Ўзбекистон саноати ва уни ривожлантиришда асосий иқтисодий проблемалар» деган темада.

Диссертация билан академиянинг асосий кутубхонасида танишиш мумкин (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй).

1966 йил 29 декабрь кундуз соат 12 да, Тошкент Қишлоқ хўжалик институтининг бирлашган илмий советида (Тошкент область, Орджоникидзе район, Ялонғоч қишлоғи, 60-аудитория) қишлоқ хўжалик фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун

А. Жўраев «Пахта далаларида тупроқни чуқур юмшатиш плуг товонига қарши курашиш чорасидир» деган темада.

А. Тишин «Пахта селекциясида қўшимча четдан чангланишни қўлланиш» деган темада.

Диссертациялар билан институт кутубхонасида танишиш мумкин.

1966 йил 28 декабрь кундуз соат 11 да, Ўзбекистон ССР фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ институти илмий совети мажлисида философия фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун

М. Абдуллаев «Колхозчи-деҳқонларнинг маданий-техника савиясини кўтариш йўллари» (Ўзбекистон материаллари асосида) деган темада.

Диссертация билан академиянинг кутубхонасида танишиш мумкин (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй).

1966 йил 29 декабрь кундуз соат 3 да, Ленин номли Тошкент Давлат университети Тарих факультетининг илмий советида (Карл Маркс кўчаси, 32-уй, 36-аудитория), тарих фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун

М. Тўлаганова «Улуғ Ватан уруши йилларида Тошкент области қишлоқ хўжалиги ва ватанпарварлик ҳаракати» (1941—1945 йиллар) деган темада.

А. А. Тактаев «Ўзбекистон ССР мелиорация кооперативи ва унинг қишлоқ хўжалигини социалистик асосда қайта қуришдаги роли» деган темада.

Диссертациялар билан университет кутубхонасида танишиш мумкин (Куйбишев кўчаси, 10-уй).

1966 йил 29 декабрь кундуз соат 2 да Тошкент давлат университетининг (Навоий кўчаси, 48-уй, акт зали) юридик илмий совети мажлисида юридик фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун:

Н. Илҳомов «Ўзбекистон ССР гражданлик процессуал ҳуқуқида совет кассацияси институтининг вужудга келиши ва ривожланиши» деган темада.

Диссертация билан кутубхонада танишиш мумкин (Куйбишев кўчаси, 10-уй).

Ўзбекистон ССР Нон маҳсулотлари ва аралаш озуқа саноати министрлигининг коллегияси Самарқанд область нон маҳсулотлари ва аралаш озуқа саноати бошқармасининг бошлиғи А. Азимовга хотини

Турғуной ЭРГАШЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ВЬЕТНАМ—ВЬЕТНАМЛИКЛАРНИКИ

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Америка Қўшма Штатлари дунёда ўз ҳукмронлигини ўрнатиш учун ҳаракат қила бошлади. Оқ уй планетамизнинг турли бурчакларида агрессив ҳаракатларни кучайтириб юборди, кўпгина мамлакатларда бошқа империалистик давлатлар томонидан олиб борилаётган ноҳақ урушларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб чиқди: уларга қуроллар ва пул билан мадад бериб турди.

АҚШ империалистларининг бундан кўзлаган мақсадлари ўз-ўзидан тушунарли: улар урушда галаба қозонилгандан кейин қолиб мамлакатларнинг ўрнига ўзлари хўжайинлик қилиб қолишни кўзлаган эдилар. Бироқ, кўпгина мамлакатларда олиб борилган бундай ёвуз ниятли урушлар империалистлар ўйлагандай бўлиб тугамади. Масалан, Франция мустамлакачиларининг АҚШ мадади билан Вьетнамда олиб борган уруши ана шундай бўлди. Вьетнам Халқ армияси Франция мустамлакачилари устидан галаба қозонди ва 1954 йилги Женева битимларига биноан вьетнам халқининг миллий мустақиллик, озодлик ҳамда Вьетнам территорияси чегараларининг даҳлсизлиги учун кураши халқаро миқёсда тан олинди.

Бу француз мустамлакачиларига ҳам, Америка империалистларига ҳам катта зарба эди. Шунинг учун ҳам Оқ уй Жанубий Вьетнамда французлар ўрнини эгаллаб, у ерда ўз мустамлакачилик режимини ўрнатди. Қўшма Штатларга тўла тобе бўлган Сайгон маъмурияти эса аҳолини ўрта аср истибдоди исканжасига олди ва Вьетнамни бирлаштириш мақсадида 1956 йили ўтказилиши лозим бўлган умумий сайловларни барбод қилди.

Бироқ, Жанубий Вьетнамнинг тинчликсевар кучлари империалистларнинг кирдикорларига ортиқча чидаб тура олмадилар. Улар Вашингтон ва Сайгон режимига қарши курашга отландилар. Айниқса 1960 йил декабрь ойида Жанубий Вьетнам Миллий Озодлик фронти ташкил этилгандан кейин душман катта талафот кўра бошлади.

1961 йилдэ Америка Қўшма Штатлари Жанубий Вьетнам қўғирчоқ режимини сақлаб қолиш ва у ерда ўз сиёсатини амалга ошириш мақсадида Вьетнамнинг ички ишларига яририн равишда қуролли куч билан аралаша бошлади. У ерга Америка «маслаҳатчилари» қўмондонлигида ёлланма қўшинлар юборилди. «Ўзига хос уруш» бошланиб кетди. Кейинчалик, АҚШ «маслаҳатчилари»нинг Сайгон қўғирчоқ режимига «ёрдами» иш бермагач, Жанубий Вьетнамда очиқдан-очиқ қуролли интервенция бошланди. 1965 йилдан бошлаб Жанубий Вьетнамда ватанпарваарларга қарши Американинг 350 мингдан кўпроқ кишидан иборат экспедиция корпуси, Қўшма Штатларга малайлик қилаётган мамлакатлардан келган 50 минг солдат ва Жанубий Вьетнамнинг ёлланма аскарларидан деярли ярим миллион киши уришиб келмоқда.

ҚАҲРАМОН ВЬЕТНАМ ХАЛҚИ БИЛАН БИРДАМЛИК ҲАФТАЛИГИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

□ □

Америка интервентлари Вьетнамдаги урушни интенсивроқ олиб бориш учун 3400 дан кўпроқ самолёт ва вертолётни, ер тинчи флотини, Гуам ва Таиланд ороллари ва жойлашган ҳарбий-ҳаво кучларини, 2000 оғир қурол ва минглаб танк ҳамда бронемашиналарни ишга солдилар. Куни кеча империалистлар ВДР устига яна ёвузларча ҳужум қилдилар. Лекин Жанубий Вьетнам ватанпарварлари ўзининг Озодлик фронти қўшинлари билан ёнма-ён туриб агрессорларнинг ана шундай катта кучларига қарши матонат билан курашиб ва галаба қозониб келмоқдалар. Телетайп ҳар куни Жанубий Вьетнам ватанпарварларининг агрессорларга ва қўғирчоқ армия қарши қаҳшатқич зарбалари ҳақида қувончли хабарлар келтирмоқда. 9 декабрь куни кечаси улар Сайгондан 40 миля жануби-шарқда жойлашган йирик пунктни қўлга киритганликлари ва қўғирчоқ армия қисмларига сезиларли талафот етказганликлари ҳақида хабар олинган эди. Бундан сал олдинроқ, 29-30 ноябрь кунларида Жанубий Вьетнам Озодлик армиясининг ҳаракатдаги кучлари ва партизанлар қўғирчоқ армиянинг икки батальонини анча шикастлантирдилар. Вьетнам Информация агентлигининг «Озодлик» радио станциясининг эшиттиришларига асосланиб берган хабарига қараганда, операция давомида ватанпарварлар душманнинг 100 дан ортиқ солдатини сафдан чиқарганлар, битта разведкачи самолётни уриб туширганлар, босқинчилар тушган 6 та қайиқни сувга чўктириб юборганлар. Ана шу операция давомида Тейнок вилоятида партизанлар Сайгон қўшинларининг разведкачи ротасини тор-мор қилиб, 50 га яқин солдатни ўлдирганлар ва ярадор қилганлар.

Вашингтоннинг ҳукмрон доиралари вьетнам халқини қурол кучи билан бўйсундириш учун уринмоқдалар. Бироқ, вьетнам халқи бомболарга қараганда тинчликни, чинакам мустақиллик ва озодлик шароитида яшашни афзал кўриши ўз-ўзидан тушунарли. Французз мустамлакачилигининг сиртмоқларини парчалаб ташлаб, ўз миллий ҳуқуқларининг тан олинишига мувофиқ бўлган вьетнам халқини энди ҳеч ким қўрқита олмайди. Озодлик фронтининг қуролли кучлари, Америка қўшинлари устидан тобора ажойиб галабалар қозонмоқдалар. Озодлик фронтининг обрў-эътибори эса мамлакат ичида ҳам, ундан ташқарида ҳам кун сайин ўсиб бормоқда.

Америка империалистлари Вьетнамдаги агрессияни янада янги погонага кўтариш учун уринаётган ҳозирги пайтда бутун дунё тинчликсевар кучлари уларнинг Вьетнамдаги жиноятларини кескин қораламоқдалар ва Жанубий Вьетнамда агрессияни тўхтатишларини ҳамда демократик республика ҳукмронлик қилаётган Шимолий Вьетнамга қарши ҳарбий ҳаракатлар бартараф этилишини талаб қилмоқдалар. Шунинг учун ҳам 13 декабрда бутун дунё мамлакатларида Жанубий Вьетнам ватанпарварлари билан бирдамлик ҳафталиги бошланди. АҚШ агрессиясига қарши қаҳрамонона кураш олиб бораётган Жанубий Вьетнам Миллий Озодлик фронтининг ташкил этилганига 6 йил тўлиши муносабати билан Тинчликни Ҳимоя Қилиш Совет комитети президиуми қураётган Вьетнам халқи билан бирдамлик кампаниясини ўтказишга қарор қилди. Ҳозир мамлакатимиз фабрика ва заводларида, олий ўқув юртлари ва илмий-текшириш муассасаларида оммавий митинглар, йиғилишлар ва учрашувлар бўлиб ўтмоқда.

Жаҳон Тинчлик Кенгашининг чақириғига биноан қураётган Вьетнам билан бирдамлик ҳафталигида жаҳондаги кўпгина мамлакатларнинг меҳнаткашлари иштирок этадилар. Кўпи кеча телетайп Гаванада вьетнам халқига ёрдам кўрсатиш юзасидан уч қитъа комитети томонидан матбуот конференцияси ўтказилгани, унда вьетнам халқини ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш чақириғи ўртага ташланганги ҳақида, Венгрияда қаҳрамон вьетнам халқи билан бирдамлик ҳафталиги бошланиб кетгани ҳақида хабарлар келди. Вашингтонда Вьетнамдаги урушни тўхтатиш тарафдорлари бўлган ташкилотлар ташаббуси билан тинчлик тарафдорларининг митинги бўлиб ўтди. Митингда «Либерейшн» журналининг редактори Д. Деллингер, америка ҳарбийлари ёвузларча ҳаракат қилганликларига қарамай, вьетнам халқи ўз мустақиллиги учун мардонавор курашиш иштиёқи билан гўлиб-тошгандир, Қўшма Штатлар эса ўзининг ҳарбий қудрати қанчалик кучли бўлмасин, бу ерда барибир галаба қозона олмайди деди.

Ҳа, вьетнам халқи енгилмайди. Чунки Вьетнам вьетнамликларнинг ўзиники. Ўз тупроғи, ўз ватани, ўз мустақиллиги, ўз ҳуқуқи учун урушаётган, адолатли кураш олиб бораётган халқни енгиб бўлмайди. Бутун жаҳон прогрессив жамоатчилигининг фикри ана шундай. Америка агрессорлари Вьетнамдаги уруш ҳаракатларини тўхтатишлари, Вьетнамнинг 1954 йилги Женева битимларига биноан демократик асосларда бирлашишига йўл қўйиб беришлари керак. Агрессорларга қарши кескин кураш олиб бораётган вьетнам халқи билан бирдамлик ҳафталигида иштирок этаётган серқуёш республикамизнинг меҳнаткашлари ҳам шуни талаб қилмоқдалар.

Б. ЮСУПОВ.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Сизнинг адрес ва телефонлар — СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ № 26. Редактор — В36545, Редактор ўринбосарлари — В37914, В39323, Масъул секретарь — В34455, Масъул секретарь ўринбосарлари — В37283, Партия турмуши—В33469, В37221, Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш, халқаро ҳаёт — В31216, Коммунистик тарбия — В31455, Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — В34780, Совет қурилиши — В33258, Қишлоқ хўжалик—В37604, Адабиёт ва санъат — В32036, В37221, Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — В34451, Маҳаллий аҳборот — В32347, Оммавий ишлар ва хатлар — В39005, В33553, Иллюстрация — В34524, Стенографистка — В37343, Корректура — В37162, Эълонлар — В38142, Коммутатор — В30249, В30250, В30251, В30252, В30253, В30254, В30255, В30256, В30257, В30258.

№ 286. ИНДЕКС 64543. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Р. 09008.